

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК _____

ШАМШИЕВ ЖАМШИД АСЛИДДИНОВИЧНИНГ

**“КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ХАБАР БЕРИШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”**

5A240123 – Коррупцияга қарши курашиш

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Прокурорлик фаолиятини
ташкил этиш ва бошкариш кафедраси
бошлиғи М.Дўстқориев**

Тошкент – 2021 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ХАБАР БЕРИШ МЕХАНИЗМИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.	
1.1. Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизми – унинг ташкил топиши тарихи ва институт сифатида ривожланиши.....	13
1.2. Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг мақсади ва вазифалари.....	20
II БОБ. КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ХАБАР БЕРИШ ИНСТИТУТИНИНГ МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ.	
2.1. Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмларини миллий ва халқаро-хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.....	23
2.2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ривожланган давлатларнинг коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш институтлари ва ўзига хос хусусиятлари.....	33
III БОБ. КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ХАБАР БЕРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР.	
3.1. Коррупция ҳолатлари тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш масалалари.....	40
3.2. Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берган шахслар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий-хуқуқий ҳамда жиноий-хуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва ривожлантириш масалалари.....	54
ХУЛОСА.....	61
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	72

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарбилиги. Коррупция — бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўскىнлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради.¹

Коррупция ва унинг оқибатлари ҳақида кўплаб фактларни келтиришимиз, унга қарши курашишнинг қанчалик долзарбилигини хеч бир қийинчиликларсиз исбот қилишимиз мумкин. Аммо, ҳар қандай жамият учун коррупцияга қарши курашувчи самарали механизмларнинг мувжуд бўлиши муҳим аҳамият қасб этади. Коррупцияга қарши курашишда энг самарали механизмлардан бири бу коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайт этиш лозимки, ҳар қандай давлат учун коррупция ҳолатлари тўғрисида маълумотларга эга бўлиш коррупция ҳолатларининг барвақт олди олинishiiga, унга олиб келувчи сабаб ва шароитларни ўрганган ҳолда ўз вақтида бартараф этилишига ҳамда қилмиш учун жазо муқаррарлигини рўёбга чиқарилишига хизмат қилади. Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизми мавжуд бўлишининг муҳим эканлиги ҳатто халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Зеро, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясининг 37-моддасига кўра, ҳар бир иштирокчи давлат мазкур конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон жиноий ҳатти-харакатларда иштирок этаётган ёки иштирок этган шахсларни ваколатли органлар учун тергов ишларини олиб бориш ва исботлаш мақсадида фойдали бўлган маълумотларни тақдим этишга ва

¹ [Электрон манба] URL: <https://anticorruption.uz/uzc/item/what-is-corruption>

жиноятчиларни жиноий даромадлардан маҳрум қилишга ва бу каби даромадларни қайтариш бўйича чоралар кўрилишига кўмаклашувчи амалий ва аниқ ёрдам беришга рағбатлантиришни кўзда тутувчи тегишли чораларни кўради.

Ўзбекистон Республикасида коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш меҳназми сифатида барча учун умуммажбурий бўлган норматив-хуқуқий хужжатнинг қабул қилинишини, бу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи илк қадам деб эътироф этишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикасининг янгиланган сиёсати айнан инсон қадр-қимматини олий даражага кўтариш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш каби юксак ғояларга таянмоқда. Аввало, ушбу ислоҳотларнинг туб замирида Давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев томонидан илгари сурилган устувор вазифа “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”² деган асосий тамойилга мувофиқ барча ресурслар, имкониятлар халқимиз манфаатлари йўлида сафарбар этилиши устувор вазифа этиб белгиланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташқилий-хуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Бу борада давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган 30 га яқин қонун, 100 га яқин Президент ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинди³.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган изчил чоратадбирлар натижасида Ўзбекистон Республикаси “Transparency International” халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 2019 йил бўйича эълон қилинган

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил.: “Халқ сўзи”. [Электрон манба]. URL: <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkatmirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi>.

³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т.Йўлдошевнинг нутқидан (Бош прокуратура телеграм ижтимоий тармоқдаги расмий сайтидаги манба) // [Электрон манба]. URL: <https://t.me/uzbprokuratura>.

“Коррупцияни қабул қилиш индекси” рейтингида 5 ўрин юқорига кўтарилиб, 158 ўриндан (2018 й.), 153 (2019 й.) ўринни эгаллади. 2020 йилга келиб, яна 7 поғонага юқорилаб, 153 ўриндан (2019 й.) 146 ўринни⁴ эгаллади. Мазкур соҳадаги ютуқлар албатта амалга оширилаётган тизимли чораларнинг натижаси хисобланади. Шу ўринда, соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган бўлсада, аммо давлат ва хусусий секторда ҳали ҳам коррупцияга оид ҳукуқбузарликларнинг содир этилиши сезиларли ўрин эгалламоқда. Агарда статистик рақамларга тўхталадиган бўлсак, 2020 йил давомида коррупция ҳолатларига оид 1502 та жиноят иши кўриб чилган. Шундан 2203 нафар шахсга нисбатан 1457 та жиноят иши бўйича хукм чиқарилган. Жиноят содир этган шахсларнинг 89 фоизи (1953 нафар) туман (шаҳар), 9 фоизи (202 нафар) вилоят (ўрта), 2 фоизи (30 нафар) республика (юқори) бўғинларга тўғри келмоқда⁵.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, коррупцияга қарши курашиш аҳволи бугунги кун талабига жавоб бермаслиги ва ушбу соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида хориж амалиёти уйғунлигига коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган янги профилактик чоралар кўрилишини тақозо қилмоқда.

Маълумки, охиригина йилларда Ўзбекистон Республикасида коррупция кўламини кескин равишда камайтириш ва унга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тизимли чоралар кўрилмоқда.

Бунга дадил қадам сифатида, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни⁶ қабул қилинди.

⁴[Электрон манба]. URL: <https://www.transparency.org/en/countries/uzbekistan>

⁵[Электрон манба]. URL: <https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/04/20/2020-yilda-sodir-etilgan-korrupsiyaviy-jinoyatlar-statistikasi>

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣй базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда)

Қонуннинг 26-моддасида давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар қилиш мажбурияти ҳамда 28-моддасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берадиган шахсларни ҳимоя қилишнинг умумий тартиби белгиланди.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори⁷ қабул қилинди.

Мазкур қарор билан тасдиқланган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартибини белгилаган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 8 январдаги 15-сон қарори⁸ талаблари ушбу Низом билан тартибга солинадиган муносабатларга татбиқ этилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Коррупцияга қарши курашишда энг самарали механизмлардан бири бу коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш ҳисобланади. Мазкур

⁷ Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 09/20/829/1693-сон)

⁸ Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 8 январдаги 15-сон қарори (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.01.2018 й., 09/18/15/0548-сон; 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон)

муносабатлар ҳалқаро-хуқуқий хужжатларда ҳам ўз аксини топган бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси 39-моддасига⁹ асосан ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ миллий тергов органлари ва прокуратура органлари ҳамда хусусий сектор ташкилотлари, хусусан молиявий муассасалар билан мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилиши билан боғлиқ масалалар бўйича ҳамкорликни рағбатлантириш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўради. Ҳар бир иштирокчи Давлат одатда ўзининг худудида истиқомат қилувчи ўз фуқаролари ва бошқа шахслар миллий тергов органлари ва прокуратура органларига мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилгани тўғрисида хабар беришларини рағбатлантириш масаласини кўриб чиқадилар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд 14.7 тавсиясида¹⁰ ҳам иштирокчи давлат томонидан коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш ва хабар берувчиларни ҳимоя қилиш қоидаларини қабул қилиши кўрсатиб ўтилган. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд мониторинги хисоботига¹¹ кўра, 14.7-тавсиясида назарда тутилган қоидалар статистик йигилган маълумотлар йўқлиги сабабли, кузатув гурухи ушбу қоидалар амалда қўлланиладими ёки йўқми деган холосага кела олмаганлиги ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни¹² қабул қилиниши орқали 14.7-тавсия расмий бажарилган бўлса-да, белгиланган нормалар

⁹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси. 2003 йил 31 октябрь, Нью-Йорк. (БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4-сонли Қарори)

¹⁰[Электрон манба]. URL: https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

¹¹[Электрон манба]. URL: https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

¹²[Электрон манба]. URL: https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи шасхларни ҳимоясини етарли даражада таъминлай олмаганлиги кўрсатиб ўтилган.

Юқоридаги устувор вазифалардан келиб чиқиб, диссертация иши доирасида амалга оширилган илмий изланишлар Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги такомиллаштириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш ва коррупцияга қарши курашишда самарали чоралар мажмуи сифатида қўлланилиб келинаётган коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмини миллий қонунчилик ва амалиётга жорий этилишига салмоқли даражада хизмат қиласди.

Тадқиқот обьекти коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг ўрни ва аҳамияти ҳамда унинг фаолиятини ташкил этувчи муносабатларни тартибга солувчи қоидалар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизми ташкилий-хуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий хужжатлар, хуқуқни қўллаш амалиётлари, ушбу соҳадаги айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда хориж тажрибасида мавжуд бўлган соҳани тадқиқ этишга қаратилган концептуал ёндашувлар, халқаро моделлар, илмий-назарий қарашлар ва халқаро хуқуқий категориялардан иборатdir.

Тадқиқот мақсади Ўзбекистонда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмини такомиллаштириш ҳамда шакллантиришнинг дастлабки илмий-назарий асосларини яратиш ва ушбу соҳада амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида ташкилий-хуқуқий асосларига оид аниқ таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмига оид илмий тушунча ва категорияларнинг мазмун моҳиятини очиб бериш ҳамда тегишли илмий таърифларни ишлаб чиқиш;
- коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг тарихий ривожланиш босқичлари, коррупция хавфи ва бу ҳақда хабар бериш тартиби

(whistle blowing policy), коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берувчиларнинг ҳимоя чоралари, коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш мажбурияти, коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бермаганлик учун жавобгарлик масалалари, коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берганлик учун рағбатлантириш чоралари;

- давлат ва хусусий секторда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар беришга оид халқаро стандартларни комплекс тадқиқ этиш ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;
- коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмини ўзида жорий этиш бўйича самарали тажрибага эга бўлган жорижий давлатлар (Жанубий Корея, Буюк Британия, АҚШ, Хитой, Словения кабилар мисолида) қонунчилиги ва халқаро компаниялар тажрибалари асосидаги моделларни ўрганиш ва миллий амалиётга жорий этишнинг энг мақбул жиҳатлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- мамлакатимизда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш тизимини тартибга солишга оид қонун хужжатлари самарадорлигини оширишнинг замонавий тенденцияларига илмий ва амалий баҳо бериш ва бошқа қатор вазифаларни ўз ичига олади.

Илмий янгилиги Ўзбекистонда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг халқаро стандартлар, хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиёти асосида илк бор комплекс тарзда илмий тадқиқ этилганлиги билан белгиланади.

Шу билан бирга тадқиқот ишининг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

биринчидан, коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмини илмий-назарий асосларда шакллантиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилди;

иккинчидан, коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмини амалиётга тадбиқ этишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини яратиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилди;

учинчидан, хорижий давлатлар ва халқаро компанияларда мавжуд коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг самарали моделларининг таҳлили асосида давлат ва хусусий сектор фаолиятида жорий этиш мумкин бўлган моделлар юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқилди;

тўртинчидан, давлат ва хусусий секторда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмини жорий этишнинг минимал қоидаларини ўзида мужассам этган намунавий йўриқнома ишлаб чиқиш бўйича аниқ тавсиялар келтирилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар адабиётлар таҳлили. Хорижий давлатларда, асосан АҚШ ва Европа давлатларининг мутахассислари томонидан коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмини тадқиқ этишга қаратилган қатор илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, уларнинг аксарияти инглиз тилидадир. Хориж адабиётлари орасида Allen B. Roberts, Helga Spadina & Marina Kalafatic, T. Tyler¹³ каби соҳа олим ва эксперталарининг илмий изланишлари ва мақолаларида комплаенс назоратининг умумий тавсифи ва коррупцияни олдини олишдаги ўзига хос хусусиятлари ёритилади.

Бу ўринда Словениялик эксперт Том Тулер “Compliance with the Law in Slovenia: The Role of Procedural Justice and Police Legitimacy”(2014) номли илмий тадқиқот ишида ушбу тизимнинг ташкил этилишини Словения давлати ва унинг давлат органлари мисолида келтириб ўтади, шунингдек, коррупция ҳақида хабар бериш сиёсатига (whistle blowing policy) оид алоҳида тажрибаларни келтириб ўтади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда эса коррупцияга қарши курашиш соҳасида етарли даражада илмий изланишлар олиб борилмаган. Бунинг натижасида ҳозирги даврда мамлакатимизнинг коррупцияга қарши курашиш

¹³ Allen B. Roberts “Demystifying Sarbanes-Oxley: Suggestions for Public and Private Company Preparedness and Compliance with Employment and Whistleblower Provisions” July 2, 2013; Helga Spadina & Marina Kalafatic, Legal Position and Protection of Whistleblowers in Croatian Law; T. Tyler “Compliance with the Law in Slovenia: The Role of Procedural Justice and Police Legitimacy” June 2014

соҳасига янги институт сифатида кириб келаётган комплаенс назорат тизимининг илмий жиҳатлари тадқиқ этиш яқин вақт оралиғидаги заруриятини вужудга келтиради. Ўз навбатида бу каби асослар мазкур диссертация мавзуси доирасида илмий тадқиқот ишини танлаш учун асос бўлиб хизмат қилди. Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот ишида тизимли-тузилмавий ёндашув, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, қиёсий-хукукий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили, таҳлил этиш ва синтез қилиш, хукукий моделлаштириш ва хукуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг ўрни ва аҳамиятини таҳлил этиш ва ушбу тизимининг илмий-назарий асосларини яратиш ва илмий тадқиқ этишга хизмат қиласи. Мазкур тадқиқот иши ушбу соҳада амалга оширилган илмий изланишларнинг ўзбек тилида тадқиқ этилган дастлабки қўриниши ҳисобланади. Бу асосда тадқиқот натижаларидан келажакда илмий тадқиқотлар олиб бориш, ўқув методик қўлланмалар ишлаб чиқишида ҳамда кенг миқёсда амалга оширилаётган коррупцияга қарши кушашиб соҳасини ислоҳ қилиш жараёнида фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Ўзбекистон Республикасида давлат ва хусусий секторнинг айрим соҳаларда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг жорий этиш жараёнлари бошланганлиги ва яқин вақт оралиғида ушбу жараёнлар бошқа соҳаларга ҳам оммалалиши, коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмини миллий секторлар фаолиятига жорий этишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда хорижий тажрибалар асосида самарали моделларини ишлаб чиқиши ва Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиб соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари базасини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Бунда тадқиқот натижаларининг амалий

аҳамияти соҳани тадқиқ этишга қаратилган илмий ва ташкилий-хуқуқий асосларини яратишда намоён бўлади.

Иш тузилмасининг тавсифи. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқсан бўлиб, мавзуни тадқиқ этиш мазмунан мос келади. Диссертация тузилиши кириш, 6 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 81 бетни ташкил этади. Мавзуга оид 100 га яқин турли расмий ва илмий манбалардан фойдаланилди.

I БОБ. КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ ТҮҒРИСИДА ХАБАР БЕРИШ МЕХАНИЗМИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.

1.1. Коррупция ҳолатлари түғрисида хабар бериш механизми – унинг ташкил топиши тарихи ва институт сифатида ривожланиши.

Давлат ва хусусий сектор фаолиятида коррупцияга қарши курашишда амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат хорижий тажрибалар асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш, балки ушбу соҳада самарали тизим сифатида қўлланилиб келаётган маълум халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳисобланади¹⁴.

Улардан бири ушбу соҳада кенг қўлланилиб келаётган самарали ва таъсирчан воситаларнинг мажмуи бўлган коррупция ҳолатлари түғрисида хабар бериш механизми ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, коррупция ҳолатлари түғрисида хабар бериш механизми ўз ичига коррупция ҳолатлари түғрисида хабар бериш, келиб тушган коррупция ҳолатлари түғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш, хабар берувчиларни ҳимоя қилиш, хабар берувчиларни рағбатлантириш, айрим ҳолатларда хабар бериш мажбуриятини юклаш ҳамда хабар бермаганлик учун жавобгарлик чораларини белгиланишини ўз ичига олади.

Коррупция фактлари түғрисида хабар берадиган шахсларни ҳимоя қилишни назарда тутувчи қоидалар ички қонунчилик учун янги бўлганига қарамай, у узоқ вақт давомида баъзи жиноятлар содир этилиши түғрисидаги маълумотларни ошкор қилувчи шахсларнинг позициясини тартибга солувчи қоидаларни ҳамда жиноий жавобгарликни назарда тутувчи қоидаларни ўз ичига олган.

¹⁴Primakov D. Compliance practices: anti-corruption, banking compliance, sanction compliance and asset tracing – М.: Infotropic media, 2019 – Р.36. [Электрон манба]. URL: <https://shop.infotropic.ru>.

Тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, мустаҳкам давлатчилик шаклланган вақтларда ҳам подшоҳлар ўз мамлакатларидағи ҳар қандай ҳолатдан хабар топиб туришни сиёсатининг асосий йўналиши сифатида белгилаб олганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Амир Темур салтанатида ҳам мамлакатдаги мавжуд ҳолат (ҳозирги тил билан айтганда криминоген вазият) тўғрисида хабар бериб бориш тизими, ҳаттоки, бирор бир ҳолатни қасдан яширганлик ёки ёлғон маълумот берганлик учун жавобгарлик чоралари ҳам белгиланган.

Амир темур тузукларида шундай дейилади “Амр қилдимки, ҳар ерда, вилояту шаҳар ва лашкар ўрдусида кундалик воқеаларни ёзувчиларни (хабарнавис) тайин қилинларки, ҳокимлар, раият, сипоҳ, ўз лашкари ва ёт лашкарнинг хатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилин. **Атрофдан кирганичиққан мол-мулк**, четдан кирган, четга чиққан ёт кишилар, **ҳар турли мамлакатлардан келган карвонлар**, кўшни подшоҳдар, уларнинг гап-сўzlари, ишлари ҳақидаги хабарлар ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги сўзларни тўғрилик билан менга ёзиб турсинлар. Агар бунга хилоф иш тутгудек бўлсалар, (бўлиб ўтган) воқеаларни ёзмасалар, ёзувчининг хабар ёзган бармоклари кесилсин. Агар хабар ёзувчи бирор сипоҳийнинг хизматини яширса ёхуд хабарни бошқа либосга кийинтириб (ёлғон) ёзган бўлса, у ҳолда унинг қўлини кессинлар. Агар ёлғон хабарни тухмат ёки ғараз билан ёзган бўлса, уни қатл этсинлар ва яна амр этдимки, ушбу хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар.”¹⁵

Россия ҳуқуқ тарихига кўра, 1649 йилги собор кодексида давлат жинояти – давлат мулкини талон-тарож қилганлик тўғрисида хабар бериш мажбурияти белгиланган эди. Шу муносабат билан, қонунда давлат жинояти учун маҳсус жиноят таркиби - хабар бермаслик, ўлим билан жазоланган.

¹⁵[Электрон манба]. URL: <http://temurtuzuklari.uz/uz#>

Бундан ташқари, маълумот берувчи тасдиқланган хабар учун мукофот олган ва тасдиқланмаган ва айниқса ёлғон хабар учун қаттиқ жазо кутиб турган.¹⁶

Пётр I даврида синфий курашнинг кучайиши, дворянларнинг ўз диктатурасини кучайтириш истаги давлатнинг жазо сиёсатини кучайтиришни талаб қилди. Пётр I нинг жиноят ҳуқуқи соҳасидаги қонунчилик фаолияти ўта интенсив эди. Тадқиқотчилар фақат 392 та жиноят-ҳуқуқий характердаги қарорларни санайдилар. Улар орасида энг катта қизикиш 1715 йилги ҳарбий акт бўлиб, қисқача талқин қилинган, унга биноан ҳисбот бермаслик мустақил жиноят сифатида кўриб чиқилган бўлиб, у билан яратилган фискал институти шуғулланган. Давлатга зарап этказувчи хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабар бермаслик учун шафқатсиз жазо тайинланди.¹⁷

Фикримизча, Ҳозирги кундаги давлат бошқаруви тарихий монархия бошқарувидан тубдан фарқ қилса-да, шу вақтларда ҳам хабар бериб бориш механизмига эътиёж туғилган. Бугунги ривожланган даврда эса ҳар бир ҳолатни (молиявий, иқтисодий, ижтимоий, саноат ва бошқа соҳаларда), шу жумладан, коррупция ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни ёзиб бориш, уни таҳлил қилиш, тўғри ёки нотўғри маълумотлар туркумига ажратиш деярли имконсиз. Шу сабабли, шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш эвазига коррупция ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишга зарурат мавжуд.

Жамиятни хавфсиз ва самарали ишлашини таъминлаш учун бутун дунё ҳукуматлари соғлиқни сақлаш, мудофаа ва инфратузилма учун катта маблаг сарфлайдилар. Коррупцияга учраган шахслар ва корхоналар кўпинча бюрократиянинг чекланган назорат қилиш имкониятларидан фойдаланиб, ўзларининг бизнес даромадларини максимал даражада ошириш учун ўғирлаш,

¹⁶ См.: Уголовное законодательство. Введение // Российское законодательство X - XX вв. В 9 т. Т. 4. Законодательство периода становления абсолютизма. М.: Юридическая литература, 1986. С. 314 - 315.

¹⁷ См.: Уголовное законодательство. Введение // Российское законодательство X - XX вв. В 9 т. Т. 4. Законодательство периода становления абсолютизма. М.: Юридическая литература, 1986. С. 314 - 315.

ортиқча түловлар ва расмийларни алдашади. Ушбу фирибгар амалиётлар фуқароларга катта солиқ юкини келтириб чиқаради, шунингдек тақдим этилаётган товарлар ва хизматлар сифатини пасайтириш орқали халқ фаровонлигини хавф остига қўяди.

Фирибгарликни ҳар доим аниқлаш қийин бўлғанлиги сабабли, кўплаб давлатлар тарихидан коррупция, ўғирлик ва қонунбузарликлар тўғрисида фуқароларга мурожаат қилишган. Қонун чиқарувчилар VII асрдаёқ ноқонуний схемаларни очиш ва олдини олиш учун хусусий фуқароларга мурожаат қилишди. Дастребки низомларнинг асосий принтсиби - шахсларни ўғирланган пулларнинг бир қисмини улар очища ёрдам берганлиги, худди шу каби замонавий «whistleblower» қонунида белгиланган мукофотлаш хисобланади.¹⁸

Дастреб "whistleblower" тушунчаси VII аср Англиядан бошланган. Бугунги кунда одатда сохта даъволар тўғрисидаги ишларни назарда тутадиган куи там атамаси лотин тилидаги "qui tam pro domino rege quam pro se ipso in hac parte sequitur" иборасидан қисқартирилиб, "ўзи учун ҳам, Қирол учун ҳам жиноий иш қўзғатадиган" деб таржима қилинади. Замонавий қонунчилар бу атамани ўз ҳукумати номидан коррупцияга ботган компанияларга қарши даъво қўзғатадиган жиноий хабарлар билан синоним сифатида қабул қилдилар.

Ушбу турдаги қоидаларнинг энг дастребки намунаси 695 йилга тўғри келади, Кент қироли Вихреднинг декларациясида, агар "эркин киши (шанба куни) ишласа, у ўз фойдасини йўқотади ва унга қарши хабар берган одам жариманинг ва меҳнатнинг (фойданинг) ярмига эга бўлади. Ушбу декларация хусусий шахсларга ўз мамлакати қонунчилиги бузилганлиги тўғрисида хабар бериш учун мукофот тўплашга имкон берадиган қонуннинг биринчи намунасини намойиш этади. Шунга ўхшашиб низомлар фуқароларни қонун бузувчилар тўғрисида хабар беришни рағбатлантиришда мукофотлаш

¹⁸[Электрон манба]. URL: <https://www.whistleblowersinternational.com/what-is-whistleblowing/history/>

қоидаларининг самарадорлиги туфайли кейинги бир неча асрлар давомида пайдо бўлган.¹⁹

Америка ташкил этилганидан бери жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш ва фойда олиш учун фуқаролик масъулияти маданиятини ривожлантириди ва ўзлаштириди. Бенжамин Франклин 1773 йилда Массачусетс штатининг гувоҳнома билан тайинланган губернатори колонияларда ҳарбий кучларни кучайтириш учун парламентни қасддан йўлдан оздирганлигини кўрсатувчи маҳфий хатларни фош қилганда, биринчи Америка хабарчиларидан бирига айланди.

Замонавий қонунларимизнинг қонунчилик асослари XVIII асрда кўплаб давлатларнинг қонун чиқарувчилари "qui tam" қарорларини қабул қилганларида яратилган. Ушбу қонунлар бизнинг амалдаги қонунларига ўхшайди, чунки улар шахсларни ўз миллати манфаатлари ва шахсий манфаатлари учун қонунбузарликлар тўғрисида хабар беришга ундашdir. Масалан, Массачусетс штатининг 1686 йилдаги мустамлака қонуни, нон сотишда фирибгарликлар тўғрисида хабар берган ҳар қандай инспекторни ийғилган жарималарнинг учдан бир қисмини мукофот сифатида берган.²⁰

Қўшма Штатларда кўрилган биринчи Федерал суд жараёнларининг бир нечтаси "whistleblower" хақидаги даъволарни ўз ичига олган. Бироқ, "qui tam" қонунлари одатда XIX асрнинг бошларида ишлатилмай қолди ва Фуқаролар урушидан кейин қайта пайдо бўлмади.

Фуқаролар уруши даврида урушдан фойда олиш ва тўғридан-тўғри фирибгарлик Иттифоқни ҳам, Конфедерация қўшинларини ҳам кучсизлантириди. Бузук мудофаа пурратчилари Иттифоқ армиясида оқсоқ хачирларни, ўқ отмайдиган ўқ-дориларни ва ўқотар қуролларни сотдилар ва

¹⁹ J. Randy Beck, The False Claims Act and the English Eradication of Qui Tam Legislation, 78 North Carolina Law Review 539 (March 2000).

²⁰ John L. Smith, Jr. December 19, 2013. Benjamin Franklin: America's First Whistleblower. Journal of the American Revolution.

аскарларнинг қорақулоқ ва дизентерия ривожланишига сабаб бўлган рационни буздилар.²¹

Ушбу ноқонуний амалиётларга қарши курашиш учун Конгресс 1863 йил 2 марта "Сохта даъволар тўғрисида"ти (кейинги ўринларда – СДТ) қонунни қабул қилди. "Қариндошлар" деб аталмиш фирибгарлар ҳақида шахсий маълумотларга эга бўлишлари шарти билан АҚШ номидан пудратчини судга беришга рухсат берилди. Агар уларнинг даъволари муваффақиятли бўлса, даъвогарлар хукумат томонидан қайтариб олинган пулларнинг ярмини олишга ҳақли эдилар. СДТ ҳомийси сенатор Жейкоб Ховард, агар улар ўзлари коррупциявий хатти-харакатлар билан шугулланган бўлсалар ҳам, хуштакбозларга мукофот тўлашни энг катта фирибгарлик схемаларини очишнинг энг яхши усули деб қатъий ишонишган. Дастрлабки қарор мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишда самарали эканлигини исботлади ва АҚШ Молия вазирлигидан ўғирланганларни жинояти учун жавобгарликка тортишнинг арzon усули эди.²²

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси назарда тутилган рағбатлантириш чоралари юзасидан хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Корея, Руминия, Сербия, Қозогистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлар қонунчилигига ҳам коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизми сифатида коррупцияга оид хукуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш тартиби белгиланганлигини кўриш мумкин.²³

Хуноса ўрнида, коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизmlарини хорижий тажриб асосида ўрганиб чиқадиган бўлсак, ҳозирда кўпчилик учун маълум бўлган "Whistleblowing" институтига мурожаат

²¹ Larry D. Lahman, "Bad Mules: A Primer on the Federal False Claims Act", 76 Okla. B. J. 901, 901 (2005)

²² Larry D. Lahman, "Bad Mules: A Primer on the Federal False Claims Act", 76 Okla. B. J. 901, 901 (2005)

²³[Электрон манба]. URL: <http://hudud24.uz/korruptsiya-xakida-habar-berganlar-rafbatlantiriladimi/>

қиламиз. Whistleblowing (түғрисида-түғри таржимаси “хуштакбозлик”) – бу жамоат этиборини ёки ҳокимият вакили эътиборини давлат, хусусий ёки нодавлат секторлари ичидаги нотўғри ҳатти-ҳаракатларга жалб этишdir. Whistleblower эса давлат идораси, жамоат, хусусий ёки тижорат ташкилоти ходимлари томонидан содир этилган қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатларини фош қилувчи фаол кўмаклашувчи шахс ҳисобланади.

Баъзи манбаларда, Whistleblower атамасини 1970 йилларнинг бошларида АҚШлик хуқуқ фаоли Ралф Надер ишлаб чиқсан деб айтилган, у аслида “информатор (хабар етказувчи)” каби салбий маънолардан қочиш учун ушбу атамани ижобий таъсир кўрсатиш мақсадида ишлата бошлаган.

Бу сўз жамоатчиликни ёки оломонни жиноят содир этиш ёки ўйин пайтида қоидаларни бузиш каби ёмон ҳолат ҳақида огоҳлантириш учун хуштак ишлатиш билан боғлиқ. XIX асрда ҳуштак чалувчи ибора хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига нисбатан қўланилган, чунки улар хуштак чалиш орқали жамоатчиликни ёки ҳамкасб полициячини огоҳлантиришган. Ноқонуний ёки қўпол ўйинни кўрсатиш учун хуштак ишлатадиган спорт ҳакамлари ҳам ҳуштак чалувчилар деб номланган.

1883 йилда Janesville Gazette газетасида чоп этилган воқеада ўз ҳуштаги ёрдамида фуқароларга тартибсизлик ҳақида огоҳлантирган полициячи ҳуштак чалувчи деб номланган.

1.2. Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг мақсади ва вазифалари.

Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга давлатимиз раҳбари қанчалик эътибор қарататётганликларини барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз. Таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши курашиш борасида институционал ва ташкилий тизимнинг муҳим унсури хорижий тажрибалар асосида соҳада самарали тизим сифатида қўлланилиб келинаётган муайян халқаро стандартларни миллий амалиётга жорий этиш ҳисобланади. Замонавий коррупцияга қарши курашиш янгиликларидан бири коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмларини мажбурий шакллантириш ҳисобланади.

Коррупцияни олдини олишнинг назарий пойдевори “таълим, **хабардорлик** ва тарғибот” (Education, Awareness and Advocacy) тамойилларига асосланиб, амалий томондан эса “самарадорлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик” (effectiveness, transparency, accountability) тамойиллари асосида аниқ давлат сиёсатини ишлаб чиқишдан иборат. Бу борада давлат сиёсати дунёда (хусусан, Сингапурда) “one size fits all” (“барча учун бир хил мезон”) тамойиллари ишлаб чиқилган ва ўзининг ижобий натижасини берган²⁴.

Фикримизча, Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг мақсади коррупция хавфи ва бу ҳақда хабар бериш тартиби (whistle blowing policy), коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берувчиларнинг ҳимоя чоралари, коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш мажбурияти, коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бермаганлик учун жавобгарлик масалалари, коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берганлик учун

²⁴Бахшилло Хўжаев, Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти директор ўринбосари в.б. Kun UZ 2019 йил 22 январь

рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу чора-тадбирларни тизимли равища ишлашини ташкил этиш ҳисобланади.

Бизга маълумки, бугунги қунда, давлат бошқарув органлари, ҳокимлар ва уларнинг турли даражадаги ходимлари, бошқа давлат органларининг ходимлари томонидан коррупцияга оид жиноят содир этилаётганлиги ҳамда пора билан қўлга тушаёганлиги тўғрисида маълумотлар оммавий ахборот воситаларида берилаётганлиги жамиятда коррупцияга қарши курашиш ишлари давлатнинг ваколатли органлари томонида тизимли равища изчил борилаётганлигини кўрсатади.

Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган хабарда давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан:

- 2018 йил 3 чорагида ҳукумат ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг топшириқлари ҳамда жисмоний шахсларнинг мурожаатлари асосида бюджет ташкилотларида 1334 та давлат молиявий назорат тадбирлари ўтказилганлиги;

- ўтказилган назорат тадбирларидан 1111 тасида молиявий интизомга риоя қилинмай сарфланган маблағлар 16,6 млрд. сўмни, шундан камомад ва ўзлаштиришлар 4,5 млрд сўмни, ноқонуний харажатлар 12,1 млрд сўмни ташкил этганлиги;

- шунингдек, ҳисобот даврида бюджет интизомини бузган бюджет ташкилотларининг 20 нафар раҳбар ва мансабдор шахслари 13,9 млн. сўм миқдорида маъмурий жавобгарликка тортилганли маълум қилинган.²⁵

Коррупция ҳолатлари назорат қилувчи органлар томонидан режали ва бошқа турдаги текширувлар давомида доимий аниқланади. Аммо, назорат қилувчи органлар барча соҳаларни бир вақтда комплекс назорат қилиб боришига имконияти чекланган. Бу эса коррупция ҳукуқбузарликларини ўз

²⁵ Даракчи газетаси 41(101)11.10.2018 – сони 11бет.

вақтида аниқланмаслигига, ўз вақтида аниқланмаган коррупция хукуқбузарларини эса маълум вақт ўтиб жавобгарликка тортиш муддатини ўтишига ёки далилларни йўқолишига олиб келади.

Шу сабабдан, коррупция ҳолатлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Фикримизча, Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг вазифаси қўйидагилар ҳисобланади:

коррупция хавфи ва бу ҳақда хабар бериш тартиби (whistle blowing policy)ни тўғри ташкил этиш, яъни коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи алоқа каналларини (ишонч телефони, телеграм канали, оғзаки ёки ёзма хабар, веб-сайт ва бошқа) ишга тушуриш;

ваколатли органлар қўмагида коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берувчиларнинг ҳимоя чораларини кўриш, бунда шахсни хуқуқий, ижтимоий ва ҳаттоқи меҳнат муносабатларида ҳимоя қилиш;

қоннучиликка мувофиқ коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бермаганлик учун жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

қонунчиликка мувофиқ коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берганлик учун рағбатлантириш бориш.

Хулоса қилиб қайд этишимиз мумкинки, коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизmlарини жорий этиш мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш ишларининг самарадорлигини таъминлаш - жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш орқали халқ фаровонлигини оширишга хизмат киласди.

II БОБ. КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ ТҮҒРИСИДА ХАБАР БЕРИШ ИНСТИТУТИНИНГ МИЛЛИЙ ВА ҲАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ.

2.1. Коррупция ҳолатлари түғрисида хабар бериш механизмларини миллий ва ҳалқаро-хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

Коррупцияга қарши курашишда энг самарали механизmlардан бири бу коррупция ҳолатлари түғрисида хабар бериш ҳисобланади. Мазкур муносабатлар қуйидаги ҳалқаро-хуқуқий хужжатларда ҳам ўз аксини топган:

Америка давлатлари ташкилоти томонидан 1996 йил 29 март куни қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича Америка конвенцияси”;

Европа иттифоқи Кенгаши томонидан 1997 йил 21 ноябрда Европа ҳамжамиятининг мансабдор шахсларига ёки Евро иттифоқига аъзо давлатларнинг мансабдор шахсларига дахл қилган коррупцияга қарши курашиш бўйича Конвенцияси;

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган Халқаро тижорат амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича Конвенцияси;

Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январ-да қабул қилинган “Коррупция учун жиноий жавобгарлик түғрисида”ги Конвенцияси;

Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 4 ноябр-да қабул қилинган “Коррупция учун фуқаролик-хуқуқий жавобгарлиги түғрисида”ги Конвенцияси;

2003 йил 12 июлдаги Африка Иттифоқининг “Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш түғрисида”ги Конвенцияси;

БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка ҳамда коррупцияга қарши кураш” Конвенцияси;

МДХ доирасида эса унга аъзо давлатлар томонидан 2003 йил 15 ноябрдаги қарорга мувофиқ қабул қилинган “Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида”ги қонуни.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси 39-моддасига²⁶ асосан ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ миллий тергов органлари ва прокуратура органлари ҳамда хусусий сектор ташкилотлари, хусусан молиявий муассасалар билан мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилиши билан боғлиқ масалалар бўйича ҳамкорликни рағбатлантириш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўради. Ҳар бир иштирокчи Давлат одатда ўзининг худудида истиқомат қилувчи ўз фуқаролари ва бошқа шахслар миллий тергов органлари ва прокуратура органларига мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилгани тўғрисида хабар беришларини рағбатлантириш масаласини кўриб чиқадилар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд 14.7 тавсиясида²⁷ ҳам иштирокчи давлат томонидан коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш ва хабар берувчиларни ҳимоя қилиш қоидаларини қабул қилиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасида коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш меҳназми сифатида барча учун умуммажбурий бўлган норматив-хуқуқий хужжатнинг қабул қилинишини, бу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи илк қадам деб эътироф этишимиз лозим.

²⁶ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси. 2003 йил 31 октябрь, Нью-Йорк. (БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4-сонли Қарори)

²⁷ [Электрон манба]. URL: https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасига²⁸ асосан давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятнинг давлат органларининг ходимлари томонидан бажарилмаганлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Шунингдек, мазкур Қоуннинг 28-моддасига кўра, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берадиган шахслар давлат ҳимоясида бўлади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берадиган шахсларни таъқиб этиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу модданинг қоидалари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида била туриб ёлғон ахборот берган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди, улар қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Юқоридаги Қонунда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш мажбурияти ва хабар берувчи шахсларни ҳимояси назарда тутилган бўлиб, мазкур шахсларни рағбатлантиришни тартибга солувчи қонун ости ҳужжати ҳам қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда

²⁸ Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда).

кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом²⁹ тасдиқланган.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги норматив-хуқуқий хужжат хуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берганлик учун рағбатлантириши назарда тутувчи биринчи хужжат эмас. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 сентябрдаги 747-сонли қарори билан тасдиқланган Жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар шунингдек, видеоқузатув ва тасвирга олиш техника воситалари ҳамда мобиль курилмалар орқали қайд этилган хуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда уларни тақдим этган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, 2019 йил 1 июлдан бошлаб хуқуқбузарлик ҳолатлари акс этирилган видеоёзувларни юборган шахслар хуқуқбузардан ундирилган жарима ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг беш фоизи миқдоридаги пул мукофоти билан рағбатлантирилиши белгиланди.

Ҳайдовчилар содир этган хуқуқбузарликлар тўғрисидаги видеоёзувларни учинчи шахслар томонидан тақдим этилиши кенг жамоатчилик орасида кескин муҳокамаларга сабаб бўлди. Қонун барча учун баробар эканлигини биламиз, аммо шу адолатни таъминлашга келганда юқоридаги янги тартиб мисолида ўзимизни “чақимчи”га айлантиришни ҳоҳламаймиз.

Фикримизча, хуқуқбузарликлар (коррупция ҳолатлари) тўғрисида хабар беришни диний нуқтаи назардан ўрганиб чиқиш мақсад мувофиқ ҳиосбланади. Авволомбор, чақимчилик сўзининг маъносига муқаддас Ислом динининг соҳа вакиллари томонидан изоҳлар келтириб ўтилган. Чақимчилик – бир инсоннинг гапини бошқа бир инсонга уларнинг ўртасида адоват ва ғазаб

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 09/20/829/1693-сон)

келтириб чиқариш учун айтиш.³⁰ “Гуноҳи кабирлар” китобида “Чақимчиликнинг моҳияти сирни фош қилиш ва қашф қилиниши кариҳ саналган нарсани эълон қилишдир. Инсон бошқа инсонлардан кўрган ҳар қандай нарсаси ҳақида гапиришдан тилини тийиши лозим. **Гапирса, мусулмонларга фойдали ёки маъсиятни даф қиладиган нарсаларни айтиши мумкин.**”³¹-дейилган.

Энг асосийси, Куръону Карим Нисо сураси 135-оятида қуйидагича келтирилади “Эй, имон келтирганлар! Адолатда барқарор туриб, ўзларинг ёки ота-оналаринг ва қариндошларинг заарига бўлсада, Аллоҳ учун (тўғри) гувоҳлик берингизлар! У (гувоҳлик берилувчи) бой бўладими, камбағал бўладими, Аллоҳ у иккисига яқинроқдир. Бас, адолатли бўлишларингиз учун ҳавойи нафсга берилиб кетмангизлар! Агар (тилларингизни) бурсангизлар ёки (гувоҳликдан) бош тортсангизлар, албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир.”³². Мазкур оятга шарҳни диний илм эгалари томонидан берилиши илмий жиҳатдан тўғри ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга³³ мувофиқ, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар қуйидаги миқдордаги бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

а) коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида берилган хабар учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида;

³⁰ [Электрон манба]. URL: <http://muslim.uz/index.php/maqolalar/item/2031> (Ҳабибуллоҳ Абдураззоқов, "Ҳазрати Имом" жоме масжиди имом ноиби)

³¹ <https://islom.uz/maqola/10453> (муаллиф—Имом Ҳофиз Шамсиддин Заҳабий, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2016 йилдаги 3831-сонли хulosаси асосида нашр қилинган)

³² Qur’oni karim ma’nolari tarjimasi. Tarjimon: Abdulaziz Mansur.

³³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 09/20/829/1693-сон)

б) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача бўлса:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида;

унча оғир бўлмаган жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари миқдорида;

оғир жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида;

ўта оғир жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида;

в) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлса:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун-базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида;

унча оғир бўлмаган жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида;

оғир жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида;

ўта оғир жиноят учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида;

г) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан кўп бўлса, қуидаги фоиз ҳисобида ҳисобланади:

анча миқдор учун — пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматининг ўн беш фоизи миқдорида;

кўп ёки жуда кўп миқдор учун — пора суммаси ёки етказилган заар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматининг ўн фоизи миқдорида.

Бунда пора суммаси ёки етказилган заар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматини фоизларда ҳисоблашда конун хужжатларида белгиланган миқдорнинг энг кам миқоридан келиб чиқилади;

д) қидиувда бўлган шахснинг яширган жойи ҳақида хабар берганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари, икки ёки ундан ортиқ қидиувда бўлган шахсларнинг яширган жойи ҳақида бир вақтда хабар берганлиги учун эса — базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари миқдорида.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд мониторинги хисботига³⁴ кўра, 14.7-тавсиясида назарда тутилган қоидалар статистик йифилган маълумотлар йўқлиги сабабли, кузатув гуруҳи ушбу қоидалар амалда қўлланиладими ёки йўқми деган хulosага кела олмаганлиги ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши орқали 14.7-тавсия расмий бажарилган бўлса-да, белгиланган нормалар коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи шасхларни ҳимоясини етарли даражада таъминлай олмаганлиги кўрсатиб ўтилган.

Фикримизча, ҳар бир давлат бошқарув органида 14.7-тавсиясида назарда тутилган қоидалар юзасидан статистик маълумотлар юритиш ҳамда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи шасхларни ҳимоясини етарли даражада таъминлаш мақсадида Қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Гарчи “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасида Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахсларни ҳимоя қилишга доир умумий нормалар белгиланган бўлса-да, аммо

³⁴ [Электрон манба]. URL: https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

Коррупцияга оид хуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берадиган шахслар давлат ҳимоясини таъминловчи аниқ механизмлар белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикасида шахсларни жиноят тўғрисида хабар берганлик учун ҳимоя остига олишна назарда тутувчи норматив-хуқуқий ҳужжат ҳам мавжуд. “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ти Қонуннинг 1-моддасига³⁵ асосан Ушбу Қонуннинг мақсади жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари жабрланувчиларнинг, гувоҳларнинг ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг (бундан буён матнда ҳимоя қилинувчи шахслар деб юритилади) ҳаёти, соғлиги ҳамда мол-мулкига тажовуз таҳди迪 мавжуд бўлганда қўлланиладиган, жиноятларнинг олдини олишга ёки уларни фош этишга кўмаклашадиган, хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини ўз ичига оладиган чора-тадбирлар тизимини белгилашдан, шунингдек уларни қўллашнинг асослари ҳамда тартибини аниқлашдан иборатdir.

Юқоридаги нормадан қўриниб турибдики, мазкур қонун фақатгина жиноят иши қўзғатилгандан сўнгина жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиши мумкин. Коррупцияга оид жиноятлар учун жиноят иши қўзғатиш маълум вақт талаб қиласиган ҳолатлар ҳам учраши мумкин. Бундай вақтларда эса коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи шахсларни терговга қадар текширув даврида ҳам ҳимоя қилиш зарурати вужудга келади.

Давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид хуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар қилиш мажбурияти ҳам коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг бир қисми ҳисобланади.

³⁵ “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ти Қонун (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472-сон)

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конунининг 26-моддасига асосан давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшашиб ҳукуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятнинг давлат органларининг ходимлари томонидан бажарилмаганлиги қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Шу ўринда бир савол туғилади, давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар қилиш мажбурияти юклатилган, аммо мазкур мажбуриятни бажармаганлик учун қандай жавобгарлик мавжуд?

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 241-моддасига³⁶ кўра, Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаслик —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Оғир ёки ўта оғир жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яшириш — базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.03.2021 й., 03/21/679/0256-сон)

Мазкур модда коррупция жиноятлари назарда тутилган жиноятлар учун ҳам бирдек татбиқ қилинади.

Демак, коррупция ҳолат (жиноят)лари тўғрисида хабар бермаганик учун миллий қонунчилигимизда жавобгарлик мавжуд. Лекин, коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бермаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жавобгарлик назарда тутилмаган.

Фикримизча, коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бермаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жавобгарлик назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасига асосан давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар қилиш мажбурияти белгиланган бўлса-да, аммо ушбу мажбуриятни бажарилиши устидан идоравий ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бирор бир назорат тури ўрнатилмаган.

Фикримизча, давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар қилиш мажбуриятини амалга оширишдаги ҳуқуқий онг ва маданиятини шакллантириш мақсадида мажбуриятни бажарилиши устидан идоравий ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан назорат ўнатилиши мақсадга мувофиқ. Яъни, бунда ҳозирги кундаги банк соҳасида қўлланиладиган “сирли мижоз” услубини қўллаш орқали назорат тури ўрнатилиши мумкин.

2.2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ривожланган давлатларнинг коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш институтлари ва ўзига хос хусусиятлари.

Халқаро тажрибада коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг вужудга келиши аксарият хорижий давлатлар миллий қонунчилигида акс этган самарали тенденциялардан бири ҳисобланади. Ўз-ўзидан бу жараёнда давлатларнинг ушбу соҳадаги сиёсати идоравий назорат механизмларини такомиллаштиришни назар тутувчи коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмини миллий амалиётларига жорий этиш билан боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, хорижий давлатлар амалиётида коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг жорий этилиши ва ушбу муносабатларни қонунчиликда акс этиши уларнинг тажрибасида ўзига хос моделларни вужудга келтирди.

Хорижий мамлакатларда “Whistleblowing” жиноятчилик ва коррупцияни фош қилиш ва уларга қарши курашишнинг самарали усулларидан бири бўлиб, бу каби хизматни амалга оширувчи маҳсус ходимнинг ишини йўқотишидан ёки унга нисбатан ёмон муносабатда бўлишдан ҳимоя қилиш учун маҳсус қонунлар мавжуд.

Хусусан, Япония давлатининг 2004 йилдаги “Whistleblower”ни ҳимоя қилиш тўғрисида”ти қонун³⁷ билан ҳукуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи “Whistleblower”ларни ҳимоя қилиш ҳамда бошқа ишчиларга нисбатан далат ва хусусий сектор ташкилотлари раҳбарлари томонидан камситадиган муносабатда бўлиш тақиқланган.

Руминияда “Whistleblowing” сўз эркинлигининг намоёни бўлиб, қонунлар ёки жамоат манфаатлари бузилганлиги тўғрисида хабар берганлар ҳар қандай демократик жамиятда ва коррупцияга қарши курашишда муҳим

³⁷ [Электрон манба]. URL:

<https://www.legislationline.org/searchn2/runSearch/1/key/whistleblower/rows/10>

рол ўйнайди. Руминияда 2004 йилдан бери “Whistleblower түғрисида”ги маҳсус қонун³⁸ мавжуд. Қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари таркибида қонун бузилишини ошкор қиласынан шахсларни ҳимоя қилиш ҳақидаги кенг қамровли хужжатдир. Руминия давлатининг “Whistleblower түғрисида”ги қонуннинг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат муассасалари ва бошқа жамоат бирлашмаларида қонун бузилишлари ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишдир.

Сингапур давлатининг “Whistleblower”ни ҳимоя қилиш борасидаги қонунларининг аксарияти мақсадли маълумот берувчилар гурухини ҳимоя қиласы. Масалан, “Коррупциянинг олдини олиш түғрисида”ги қонун³⁹ коррупция ҳақида хабар берганларни ҳимоя қиласы. Шахснинг иш жойидаги умумий ҳуқуқбузарликлар ёки ноқонуний хатти-ҳаракатлар түғрисида хабар берувчилар “Иш жойидаги хавфсизлик ва соғлиқ түғрисида”ги қонунга мувофиқ ҳимоя қилинади. Шунингдек, гиёхванд моддалар савдоси, терроризмни молиялаштириш ва рақобат масалалари бўйича маҳсус хабар берувчиларни ўз ичига олган алоҳида қонунлар мавжуд.

Босния ва Герцеговинада хукумат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг икки йиллик саъй-ҳаракатлари натижасида 2013 йил декабрида давлат даражасидаги “whistleblower”ни ҳимоя қилиш түғрисида”ги қонун⁴⁰ бир овоздан қабул қилинди. Қонун коррупция түғрисида хабар бериш пайтида **расмий сирларни ошкор қиласынан давлат ходимларини ҳимоя қиласы**. Босния ва Герцеговинада ушбу қонун кучга кирганидан бўён 22 минг нафар ходимлар ишлайдиган 77 та вазирлик ва бошқа давлат институтларининг 95 фоизга яқинига ички хабар берувчи процедуралари

³⁸ [Электрон манба]. URL:

<https://www.legislationline.org/searchn2/runSearch/1/key/whistleblower/rows/10>

³⁹ [Электрон манба]. URL:

<https://www.legislationline.org/searchn2/runSearch/1/key/whistleblower/rows/10>

⁴⁰ [Электрон манба]. URL:

<https://www.legislationline.org/searchn2/runSearch/1/key/whistleblower/rows/10>

ўрнатилди. Шунингдек, қўшимча равища уларнинг веб-сайтларда хабар бериш имконияти яратилди.

Фикримизча, коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмларини жорий этиш соҳасидаги Босния ва Герцеговина тажрибасини Ўзбекистон Республикаси қўллаш ижобий натижалар бериши мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган Коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга⁴¹ асосан ушбу низом “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига⁴² мувофиқ коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартибини белгилайди. Мазкур қонуности ҳужжати коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар беришни тартибга солувчи биринчи норматив-хукуқий ҳужжат ҳисобланади. Шундай бўлса-да, мазкур низом фақатгина коррупция ҳолатлари тўғрисида хабарганилик учун рағбатлантиришни назарда тутади.

Низомга кўра, коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахслар сифатида фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг ёхуд давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси белгиланган.

Коррупция ҳолатлари давлат бошқарув органларида, давлат иштирокидаги ташкилотларда ва хусусий сектор билан бир қаторда ҳуқуқни

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 09/20/829/1693-сон)

⁴² Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда).

муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган идораларда ҳам содир этилади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган идоралар ўз вазифа ва функцияларининг махсуслаштирилганлиги сабабли жамоатчилик учун **қисман ёпиқ** ҳисобланади. Яъни, бу тузилмалар ичидаги содир этилаётган айрим коррупция ҳолатлари фақатгина **тизим ичидаги ходим ва ҳарбий хизматчиларга маълум бўлади.**

Тизим ичидаги ходим ва ҳарбий хизматчилар коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берган тақдирда, унинг кейинги хизмат фаолияти боғлиқ салбий ҳолатлар юзага келиши, ҳаттоқи унга нисбатан **ишдан бўшатиш ёки уюштирилган жиноий жавобгарлик** ҳолатлари ҳам хавф солиши мумкин.

Бу борада Босния ва Герцеговинада “whistleblower”ни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунини ижобий тажриба сифатида эътироф этиш мумкин. Қонун коррупция тўғрисида хабар бериш пайтида **расмий сирларни ошкор қиласиган давлат ходимларини ҳимоя қиласи**ди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган идораларда коррупцияга қарши қурашишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони лойиҳасини ишлаб чиқиши тақлиф этилади.

Косовода 2011 йилда давлат ва хусусий секторда нотўғри хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги хабар қилганларни ҳимоя қилиш бўйича “Whistleblower ҳақида”ги қонун⁴³ қабул қилинган. Қонун давлат ва хусусий секторни қамраб олиш учун жиноий хабар берувчиларни ҳимоя қилиш доирасини кенгайтиради.

⁴³ [Электрон манба]. URL:

<https://www.legislationline.org/searchn2/runSearch/1/key/whistleblower/rows/10>

Сербия Республикаси парламенти 2014 йил 25 ноябрда қабул қилинган “Whistleblower” ларни ҳимоя қилиш түғрисида” ги қонун⁴⁴ 2015 йил 5 июндан қонун кучга кирди. Қонун ҳукуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахсларни ҳамда уларга алоқадор бўлган шахсларни ҳам ҳимоя қилади.

Қонунда “Whistleblower”ларнинг қуйдаги уч хил тури берилган:
ички “Whistleblower”лик иш берувчига тегишли маълумотларни ошкор қилиш;

ташқи “Whistleblower”лик ваколатли давлат органига (масалан, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига) маълумот бериш;

оммавий “Whistleblower”лик оммавий ахборот воситаларига маълумот бериш.

Ўз навбатида, қонунчиликда иш берувчилар з иммасига “Whistleblower”лар масаласида махсус мажбуриятлар юкланган. Хусусан, ҳар бир иш берувчи ушбу қонунда назарда тутилган ҳукуқлари түғрисида барча ишлаётган шахсларни ёзма равишда хабардор қилиши ва (агар иш берувчида ўндан ортиқ ходим бўлса) ҳукуқбузарликлар ҳақида ички хабар беришни тартибга солувчи ички актни қабул қилиши шарт. Бундан ташқари, иш берувчилардан қонунбузарликлар ҳақида хабар берганларни ҳимоя қилиш, шунингдек тақдим этилган маълумотларга нисбатан аниқланган қонунбузарликларни ўз ваколатлари доирасида бартараф этиш чораларини кўриш талаб этилади. Шунингдек, иш берувчига “Whistleblower”га қарши фаол ёки ҳаракатсиз равишда заарли хатти-ҳаракатлар қилиш тақиқланади. Қонун кўра, одатда, иш берувчига ёки ваколатли давлат органига хабар беришдан олдин маълумотни ошкор қилиш ноқонуний ҳисобланади. Иш берувчига ёки ваколатли давлат органига олдиндан хабар бермасдан жамоат хабар берувчиларига (Public whistleblowing) фақат истисно ҳолатларда – агар катта миқдордаги заарар етказилишидан ҳаёт, аҳоли саломатлиги, хавфсизлиги

⁴⁴ [Электрон манба]. URL:

<https://www.legislationline.org/searchn2/runSearch/1/key/whistleblower/rows/10>

ёки атроф-мухит учун хавф туғдирса, шунингдек, далилларни йўқ қилиш хавфи юзага келса, йўл қўйилади.

Сербия Республикаси Олий суди раиси Драгомир Миложевичнинг сўзларига кўра⁴⁵, мазкур қонун 2014 йил охирида қабул қилиниб, 2015 йилда кучга кирган бўлса, дастлабки икки ярим йиллик аризалар сони барча кутилган натижалардан ошиб кетган ва қонун яхши натижа беришда давом этмоқда. Давлат ҳокимияти органлари “whistleblower”ни жиддий ҳимоя остига олган. 2015 йилда Сербия судларида “whistleblower”лар билан боғлиқ жами 55 та жиноят иши очилган бўлиб, улардан 33 таси якунланган. 2016 йилда 295 та жиноят иши очилган бўлиб, шундан 241 таси якунланган. Гувоҳи бўлганимиздек, мазкур қонун Сербия Республикаси учун коррупция жиноятларини фош этишда самарали механизмларни жорий этишга хизмат қилган.

Албанияда 2016 йилда қонун қабул қилинган “Whistleblowing” ва “Whistleblower”ларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда⁴⁶ давлат ва хусусий соҳадаги хуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш йўллари, хабар қилинган ҳолатларни тергов қилиш ва хабар берувчиларни ҳимоя қилиш тартиб ва механизmlари ҳамда ушбу вазифаларни бажаришга масъул бўлган тузилмалар назарда тутилган. Албанияда “Whistleblowing” коррупция давлат ва хусусий секторда жамоат манфаатларига таҳдид солувчи ёки зарар етказадиган бошқа қонунбузарликларга қарши курашишнинг муҳим воситаси сифатида қаралади.

Бошқа хорижий мамлакатларда ҳам давлат ва хусусий секторларида турли хил жиноятчилик, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни фош қилиш мақсадида фуқароларни рағбатлантириш услугидан фойдаланилади.

АҚШ, Буюк Британия, Германия, Канада, Корея, Руминия, Сербия, Қозогистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлар қонунчилигига ҳам коррупцияга

⁴⁵ [Электрон манба] URL: <https://www.coe.int/en/web/corruption/completed-projects/enpi/newsroom-enpi/-publisher/F0LygN4lv4rX/content/whistleblowers-in-serbia-a-model-aw?inheritRedirect=false>

⁴⁶ [Электрон манба]. URL:
<https://www.legislationline.org/searchn2/runSearch/1/key/whistleblower/rows/10>

қарши қурашишнинг самарали механизми сифатида коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш тартиби белгиланган.

Америка Кўшма Штатларининг 1986 йилги фирибгарликлар тўғрисидаги федерал қонуни⁴⁷га кўра, бюджет маблағларига оид фирибгарлик ҳолатлари ҳақида хабардор бўлган шахслар, давлат манфаатлари учун даъво ариза билан судга мурожаат қилишлари мумкин. Ушбу ҳолатда даъво берувчи шахс умумий даъво миқдорининг 15 фоизидан 25 фоизигача улуши суд томонидан рағбатлантирилади. Шунингдек, амалдаги қонунларга кўра, молия бозори иштирокчисининг ҳар қандай ҳукуқбузарликлари ҳақида хабар берган шахс ушбу ҳукуқбузарлик учун суд томонидан белгиланган жарима миқдорининг 10 фоизидан 30 фоизигача мукофот пулини олиши мумкин.

Россия Федерациясининг 07.02.2011 йилдаги “Полиция тўғрисида” ги Федерал Қонуни⁴⁸да шахснинг полицияга жиноятни очища маълумотларни тақдим этганлиги ва айборларни қамоқقا олишда ёрдам берганини учун рағбатлантириш назарда тутилган.

Украина қонунчилигига 2019 йилда коррупция фактлари тўғрисида хабар берувчи “фош этувчи” тушунчаси киритилган. Шахс ҳукуқбузарликлар тўғрисида аноним равишда коррупциянинг олдини олиш миллий агентлигига ишонч телефони ёки электрон почта орқали хабар бериши мумкин. Қонунчиликка кўра, агар коррупция фактидан давлатга етказилган пора ёки зарар миқдори камида энг кам иш ҳақи миқдорининг беш минг бараварини ташкил қиласа, у маълумот учун пул мукофотини талаб қилиши мумкин. Хабарчиларга бепул юридик ёрдам, ҳаёт ва соғлиққа таҳдид бўлган тақдирда ҳимоя қилиш, адвокат учун харажатларни қоплаш кафолатланади.

⁴⁷ [Электрон манба]. URL:

<https://www.legislationonline.org/searchn2/runSearch/1/key/whistleblower/rows/10>

⁴⁸ [Электрон манба]. URL: <https://zakonbase.ru/zakony/o-policii/>

ІІІ БОБ. КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ ТҮҒРИСИДА ХАБАР БЕРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР.

3.1. Коррупция ҳолатлари түғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш масалалари.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида коррупцияга қарши курашишнинг янги тизими жорий этилди. Хусусан, давлат органлари томонидан ўз фаолияти юзасидан кенг жамоатчилик олдида ҳисоб бериш амалиёти йўлга қўйилди, фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги муносабатларга замонавий технологиялар кенг жорий қилиниб, инсон омили камайтирилди.

Шу билан бирга бугунги қунда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятида манфаатлар тўқнашуви ва коррупциявий хатарларни бошқаришнинг янги тизимларини жорий этиш, бюджет жараёнлари ва давлат харидлари очиқлигини таъминлаш ишларини изчил давом эттириш, шунингдек соғлиқни сақлаш, таълим, қурилиш ва банк тизимларида ахоли кайфиятига таъсир қилаётган коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва илдизи билан бартараф этиш зарурати мавжуд.

Охирги йилларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида бир қатор норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди. Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши түғрисида” Конуни⁴⁹;

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши түғрисида” Конуни (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 260-модда)

2. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни⁵⁰;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сон қарори⁵¹;

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг “2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” 2018 йил 30 ноябрдаги 2181-Ш-сон қарори⁵²;

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хуқуқ масалалари қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 4 марта 2412-Ш-сон қарори⁵³;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда)

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда, 27-сон, 608-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон, 09.11.2019 й., 06/19/5870/4010-сон, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон)

⁵² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг “2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” 2018 йил 30 ноябрдаги 2181-Ш-сон қарори [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/5191159>

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хуқуқ масалалари қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 4 марта 2412-Ш-сон қарори [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/5162110>

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 27 майдаги ПФ–5729-сон Фармони⁵⁴;

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги 2782-III-сон Кўшма қарори⁵⁵;

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 29 июндаги ПҚ–4761-сон қарори⁵⁶;

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 29 июндаги ПФ–6013-сон Фармони⁵⁷;

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судъяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 27 майдаги ПФ–5729-сон Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2019 й., 06/19/5729/3199-сон, 20.07.2019 й., 06/19/5769/3450-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон)

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги 2782-III-сон Кўшма қарори [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/5169562>

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 29 июндаги ПҚ–4761-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 07/20/4761/1001-сон)

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 29 июндаги ПФ–6013-сон Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 06/20/6013/1002-сон)

самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 декабрдаги ПФ–6127-сон Фармони⁵⁸;

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори⁵⁹;

12. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги 2-мҳ-сон “Норматив-хукуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 3287, 2021 йил 24 февраль)⁶⁰;

I. Фикримизча, юқоридаги норматив-хукуқий ҳужжатларни коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизmlарини такомиллаштириш нуқтаи назаридан хатловдан ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

а) **Биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ–2752-сон қарори билан тасдиқланган 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурининг 10-позициясида қуидагиларни назарда тутувчи қонунчиликка ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш белгиланган:

— давлат органлари ходимларининг уларни коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судъяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 декабрдаги ПФ–6127-сон Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.12.2020 й., 06/20/6127/1609-сон)

⁵⁹ Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 09/20/829/1693-сон)

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги 2-мҳ-сон “Норматив-хукуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 3287, 2021 йил 24 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.02.2021 й., 10/21/3287/0153-сон)

давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарларини ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қилиш шарт бўлган тартиб;

— коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳақида хабар бериш тартибини, шунингдек манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни тартибга солиш бўйича талабларни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш.

Топшириқнинг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конунининг 26-моддасида давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар қилиш мажбурияти белгиланганлигини эътироф этишимиз мумкин.

Аммо, бирор бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда давлат органлари ходимларини коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида ўз раҳбарига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қандай тартибда мурожаат қилиши, ушбу мурожаатларни алоҳида тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши, ходимларни ҳуқуқий ҳимоясини белгиловчи ва энг муҳими хабардор қилмагани учун қандай тартибда жавобгарликка тортилиши (интизомий ёки маъмурий, (жиноий жавобгарлик ЖКнинг 241-моддасида белгиланган) бўйича аниқ тартиблар белгиланмаган. Бу эса ўз навбатида Конундаги нормани амалиётда қўлланмаслигига хизмат қилиши мумкин.

Юқоридаги қонунчиликдаги бўшлиқлардан келиб чиқсан ҳолда, давлат органлари ходимларини коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида ўз раҳбарига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қандай тартибда мурожаат қилиши, ушбу мурожаатларни алоҳида тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши, ходимларни ҳуқуқий ҳимоясини белгиловчи ва хабардор қилмагани учун қандай тартибда жавобгарликка тортилиши (интизомий ёки маъмурий)ни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилиниши мақсаддага мувофиқ.

б) Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастурининг 23-позициясида коррупцияга оид хукуқбузарликлар тўғрисида давлат органларига ахборот бериш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан:

фуқароларга коррупция фактлари тўғрисида давлат органларини хабардор қилиш имконини берувчи мобил ва бошқа иловаларни ишлаб чиқиш;

коррупция фактлари хақида аноним хабарларни ўрганиш имкониятларини назарда тутувчи ташкилий чора-тадбирлар кўриш топшириғи белгиланган.

Мазкур топшириқ ижроси юзасидан Адлия вазирлиги томонидан ишга туширилган “Anticorbot” телеграм каналини мисол келтиришимиз мумкин. Аммо, ушбу канал ҳам фақатгина адлия органларида содир этилаётган коррупция хукуқбузарликлари тўғрисида хабар бериш учун мўлжалланган. Худди шунга ўхшаш бир нечта вазирлик ва идораларнинг телеграм каналлари фаолияти йўлга йўқилган.

Таъкидлаш лозимки, вазирлик ва идораларнинг барчасида ҳам ушбу каналлар орқали келиб тушаётган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш, коррупция ҳолатларини ўрганиб чиқиш ҳамда якуний қарор қабул қилиш, шунингдек мазкур жараёнларнинг назоратини таъминлаш механизми маган.

Бу эса ўз навбатида, коррупция фактлари тўғрисида давлат органларини хабардор қилиш имконини берувчи мобил ва бошқа иловалар орқали келган хабарларни аниқ тартибда кўриб чиқиш ҳамда якуний қарор қабул қилиш масалалари очик қолгани хисобига, хабарларни сифатли ўрганилмаслигига, мурожаатчиларни давлат органларига бўлган ишончини сусайишига олиб келади.

Юқоридаги ҳолатни инобатга олган ҳолда, коррупцияга қарши курашиш борасида катта тажрибага эга бўлган йирик халқаро корпорацияларнинг ижобий тажрибасини қўллаш мақсадга мувофиқ. Мисол

ўрнида айтиш мумкинки, AlliedBank томонидан ички коррупция қарши курашишга оид ҳужжатлари ишлаб чиқилган бўлиб, улардан бири **CORPORATE WHISTLE BLOWING POLICY⁶¹** ҳисобланади. Бу ҳужжатда Сиёсатни ижрочи органи, хабарларни қабул қилиш тартиби, келиб тушган хабарларни ўрганилишини назорат қилиш, қайта ишлаш, хабар берувчиларни ҳимоя остига олиш, рағбатлантириш, хабар берувчиларни доимий хабардор килиб бориш, ҳаттоқи кўриб чиқилган хабарларни хабар берувчи томонидан баҳоланиши белгилаб қўйилган. Бу каби амалиёт Amazon, The World Bank каби йирик корпорация ва банкларда ҳам қўлланилади.

Таклиф сифатида, Ўзбекистон Республикасида ҳам вазирлик, идора ва давлат иштирокидаги корхоналарда юқорида кўрсатиб ўтилган ижобий амалиётларни ўз ичига олган “**Коррупция ҳолатлари тўғрисидаги хабарлар сиёсати**” ички идоравий ҳужжат бўлишини мажбурий тартибда жорий этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

в) **Учинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги 2782-Ш-сон Кўшма қарорининг 3-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукуқбузарликлар ва уларга шароит яратувчи омиллар ҳақида хабар беришга имконият яратувчи ягона портални ташкил этиш ва ишга тушириш;

пора берилиши ҳақида хабар қилган давлат хизматчилари, шунингдек коррупция ва бошқа хукуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириши белгиланган.

Гарчи мазкур топшириқ бўйича муддат белгиланмаган бўлса-да, аммо орадан икки йил ўтишига қарамасдан хукуқбузарликлар ва уларга шароит

⁶¹ [Электрон манба]. URL: https://www.abl.com/the-bank/corporate-whistle-blowing-policy/?doing_wp_cron=1624458252.8149020671844482421875

яратувчи омиллар ҳақида хабар беришга имконият яратувчи ягона портални ташкил этиш ва ишга тушириш топшириғи ижроси таъминланмаган.

Таклиф сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар беришга имконият яратувчи ягона портални ташкил этиш ва ишга тушириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда ушбу портал худди Президент мурожаатлари порталига ўхшаш бўлиб, фақатгина коррупцияга оид хабарларни қабул қилишга ихтисослаштирилиши, ижрочи орган сифатида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги белгиланиши, шу мақсадда Агентликка “Коррупция ҳолатлари тўғрисидаги мурожатларни кўриб чиқилишини назорат қилиш” бошқармаси фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 20 та штат бирлиги ажратилиши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига З ой муддатда барча вазирлик ва идоралар билан интеграция қилинадиган ягона портал ишлаб чиқилиши назарда тутилса ушбу тизим самарали фаолият юритиши мумкин.

Иккинчи топшириқ – “пора берилиши ҳақида хабар қилган давлат хизматчилари, шунингдек коррупция ва бошқа ҳукуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш механизmlарини ишлаб чиқиши” бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган Коррупцияга оид ҳукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ушбу низом “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ коррупцияга оид ҳукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартибини белгилайди. Мазкур қонуности ҳужжати коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар беришни тартибга солувчи биринчи норматив-ҳукуқий ҳужжат ҳисобланади. Шундай бўлса-да, мазкур низом фақатгина коррупция ҳолатлари тўғрисида хабаргандлик учун рағбатлантиришни назарда тутади.

Низомга кўра, коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахслар сифатида фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг ёхуд давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси белгиланган.

Коррупция ҳолатлари давлат бошқарув органларида, давлат иштирокидаги ташкилотларда ва хусусий сектор билан бир қаторда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган идораларда ҳам содир этилади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган идоралар ўз вазифа ва функцияларининг маҳсуслаштирилганлиги сабабли жамоатчилик учун қисман ёпиқ ҳисобланади. Яъни, бу тузилмалар ичida содир этилаётган айрим коррупция ҳолатлари фақатгина **тизим ичидаги ходим ва ҳарбий хизматчиларга** маълум бўлади.

Тизим ичидаги ходим ва ҳарбий хизматчилар коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берган тақдирда, унинг кейинги хизмат фаолияти боғлиқ салбий ҳолатлар юзага келиши, ҳаттоқи унга нисбатан **ишдан бўшатиш ёки ўюштирилган жиноий жавобгарлик** ҳолатлари ҳам хавф солиши мумкин.

Бу борада Босния ва Герцеговинада “whistleblower”ни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунини ижобий тажриба сифатида эътироф этиш мумкин. Қонун коррупция тўғрисида хабар бериш пайтида **расмий сирларни ошкор қиласиган давлат ходимларини ҳимоя қиласи**.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган идораларда коррупцияга қарши курашишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги Фармони лойиҳасини ишлаб чиқиши таклиф этилади.

Бунда:

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган идораларда коррупция ҳолатлари юзасидан хабар беришининг янгича механизмларини жорий этиш;

тузилмалардаги коррупция ҳолатлари ўзаро занжир бўлиб, элитар **коррупцияни** вужудга келтириш эҳтимолларини ҳисобга олган ҳолда бир тузилмадаги коррупция ҳолатлари юзасидан **иккинчи (холис)** тузилмага хабар бериш тартибини ишлаб чиқиши (*яъни ДХХ, Мудофаа, Миллий гвардия, Мудофаа саноати давлат қўмитаси, ФВВ, ИИВ ҚҚ ходим ва ҳарбий хизматчилари Ҳарбий прокуратурага, Прокуратура ходимлари ДХХга, ИИВ ходимлари Прокуратурага*);

тизим ичидаги ходим ва ҳарбий хизматчиларнинг **хуқуқий ҳимоясини** таъминлаш (*лавозимини ошириши, ротация қилиши ва ўз тузилмасида бундан буён ишилашига тўскенилик қилувчи ҳолатлар вужудга келган тақдирда бир тузилмадан иккинчи тузилмага ротация қилиши*);

тизим ичидаги ходим ва ҳарбий хизматчилар **оила аъзоларининг хуқуқий ҳимоясини** таъминлаш;

тизим ичидаги ходим ва ҳарбий хизматчиларни коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берганлиги учун **хизмат бўйича ва моддий рағбатлантириш**;

коррупция ҳолатлари тўғрисида хабарларни ўрганувчи мансабдор шахс томонидан мазкур хабар тафсилотларини ўрганиш давомида хабар берувчининг розилигисиз **шахсни ошкор этмаслиги**, ҳолатлар ўз тасдигини топмаган тақдирда (туҳмат ва ёлғон кўрсатма бериш бундан мустасно) хабар берувчининг **шахси сир сақланиши** назарда тутилиши мақсадга мувофиқ.

г) **Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши қурашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармонининг 10-бандига асосан Агентлик Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Бош прокуратураси билан биргалиқда уч ой

муддатда коррупция ҳолатлари ҳақида Агентликни хабардор қилиш имконини берувчи маҳсус мобил дастурий таъминотдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминлаш вазифаси белгиланган.

Ушбу топшириқ ҳам юқоридаги Кўшма Қарорда белгиланган топшириқнинг такрорланиши бўлиб, ушбу топшириқ ижроси ҳам ханузгача таъминланмаган.

Фикримизча, ушбу топшириқ ижросини таъминланмаслигига сабаб, ушбу дастурий таъминотни қандай мақсадда ва айнан қандай натижани кўзлаб ишлаб чиқилиши юзасидан аниқ норма белгиланмаган.

II. Кейинги ўринда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмларини такомиллаштириш юзасидан вазирлик ва идораларнинг ички мейёрий ҳужжатларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

а) Ўзбекистонда Республикаси Адлия вазирлиги “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” бўйича ISO 37001:2016 халқаро стандарти сертификатига эга бўлган давлат бошқарув органи сифатида коррупцияга қарши самарали курашишни йўлга қўйган. Адлия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги 43-ум-сонли “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи қабул қилинган. Мазкур буйруқнинг 3-иловаси билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга оид харакатлар тўғрисида ахборот бериш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш регламенти тасдиқланган.

Мазкур Регламент коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсири чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу Регламентда коррупцияга оид харакатлар ҳақида ахборот бериш, алоқа каналлари орқали келиб тушаётган хабарларни қабул қилиш ва рўйҳатга олиш, “Call-center” орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва рўйҳатга олиш, Телеграм-канали орқали келиб тушган хабарни қабул қилиш ва

рўйҳатга олиш, шахсий (оғзаки) тартибда олинган хабарларни қабул қилиш ва рўйҳатга олиш, Вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган шакл ва электрон почта орқали олинган мурожаатларни қабул қилиш ва рўйҳатга олиш, Ўзбекисон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали қабул қилиш ва рўйҳатга олиш, Ажлия вазирлиги ходимлари ва девонхонанинг телефон рақамлари орқали келиб тушган қабул қилиш ва рўйҳатга олиш, ходимнинг раҳбарига келиб тушган хабарларини қабул қилиш ва рўйҳатга олиш, коррупцияга оид хабарларни кўриб чиқиш ҳамда коррупция тўғрисидаги хабарлар юзасидан ҳисобот бериш тартиби белгиланган.

Алоҳида қайд этиш лозимки, коррупция ҳолатлари тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш ва қийта ишлашда конфеденциаллик ва хавфсизлик биринчи ўринда туради. Яъни, алоқа каналларидағи хабарлардан фойдаланишга рухсат берилган адлия органларининг барча ваколатли шахслари ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (ошкор қилиш)га ҳақли эмас.

Фикримизча, Адлия вазирлигига коррупция ҳолатлари тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш ва қийта ишлашда конфеденциаллик ва хавфсизлик тўлиқ ўз ечимини топган. Коррупция ҳолатлари тўғрисидаги девонхона орқали келиб тушган хабарлар “av.ijro.uz” тизимига киритилиб, ижрочи сифатида коррупцияга қарши курашиш бўлими белгиланади. Бунда ушбу топшириқ факатгина шу бўлим бошлиғи ва топшириқ ижросига маълум бўлади.

Аммо, Адлия вазирлигига коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берганлик учун ўз ходимларини иш ҳақи фонди доирасида ёки бошқача тарзда рағбатлантириш тартиби белгиланмаган. Агарда ходимларни коррупция ҳолатлари тўғрисида ички рағбатлантириш тизими жорий этиладиган бўлса, коррупцияга қарши курашишда самарали восита бўлиб хизмат қилиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тезкор-қидирав фаолияти ҳамда суриштирув ҳаракатларини амалга ошириувчи орган

сифатида коррупцияга қарши курашиш ушбу органнинг ҳам асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 10 октябдаги буйруғи билан “Божхона органлари тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳақида хабар бериш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда уларга қарши курашишдаги ходимларнинг фаол иштироки учун рағбатлантириш тўғрисида”ги Тартиб тасдиқланган.

Мазкур хужжат божхона органлари тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳақида хабар бериш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда уларга қарши курашишдаги ходимларнинг фаол иштироки учун рағбатлантириш тартибини белгилайди.

Ушбу тартибда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва унга қарши курашиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари тўғрисида хабар бериш, билдиргида баён этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш тўғрисидаги маълумотларни кўриб чиқишини ташкил этиш тартиби, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини олдини олиш ва унга қарши курашишда фаол иштирок этган ходимларни рағбатлантириш белгилangan.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мазкур тартибда божхона хизмати ходимларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш мақсадида мурожаат қилинганлиги ҳақида билдирги билан дарҳол хабар бериши, хабар бермаганлик учун жавобгарлик чоралари ҳамда хабар берганлик учун рағбатлантириш тартиби белгилangan. Аммо, фуқаролар томонидан бериладиган хабарларни қабул қилиш, қайта ишлаш ҳамда тегишли чоралар кўриш тариби белгиланмаган. Албатта, божхона органлари тезкор-қидирав фаолиятини олиб борувчи ваколатли орган бўлганлиги сабабли, фуқаролар томонидан коррупция ҳолатлари тўғрисидаги хабарларни (пора, таъмагирлик, фирибгарлик) қабул қилиш ва ўрганиш тартиби алоҳида

ички меёрий ҳужжатлар билан, бошқа коррупциявий хуқуқбузарликларни (мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, четга чиқиш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, мансаб сохтакорлиги) ўрганиш хизмат текширувини ўтказиш билан боғлиқ алоҳида ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Фикримизча, коррупцияга қарши курашишни устуворлигини таъминлаш ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида божхона хизмати ходимлари, фуқаролар томонидан келиб тушган коррупция ҳолатлари тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, қайта ишлаш (тезкор-қидирав, хизмат текширувни ўтказиш), ҳимоя остига олиш, рағбатлантириш ўзида мужассам этган ягона ҳужжатни қабул қилиниши ва коррупция қарши тизимли курашишга хизмат қилиши мумкин.

Мисол тариқасида коррупция ҳолати тўғрисида хизмат текширувини ўтказиш тартибини оладиган бўлсак, одатда хизмат текширувини ўтказишида Ўз хавфсизлик хизмати ходимлари билан биргаликда Кадрлар билан ишлаш хизмати ҳамда тегишли таркибий бўлинма раҳбари иштирок этади. Аслини олганда эса, коррупция ҳолатларини холис ўрганиш фақатгина биринчи раҳбарга бўйсунувчи таркибий бўлинма, яъни Ўз хавфсизлик хизмати томонидан конфеденциал тартибда амалга оширилиши лозим.

3.2. Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берган шахслар ва уларнинг оила аъзоларини хуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва ривожлантириш масалалари.

Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берган шахслар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий-хуқуқий ҳамда жиноий-хуқуқий ҳимоясини таъминлаш фуқароларнинг бундай хабарларни бериш имкониятларини оширади.

Бугунги кунда коррупцияга қарши кураш нафақат давлат миқёсидаги, балки ҳалқаро миқёсдаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу сабабдан, коррупцияга қарши курашда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи шахсларни хуқуқий ҳимоясини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

2010 йил ноябр ойида бўлиб ўтган Сеул саммитида G20 раҳбарлари коррупцияга қарши курашнинг глобал кун тартибидаги енг муҳим вазифа сифатида хабар тарқатувчини ҳимоя қилишни белгилашди. G20 хабар берувчиларни самарали ҳимоя қилиш учун қонунларнинг муҳимлигини англаган ҳолда, G20 Коррупцияга қарши кураш режасининг 7-бандида G20 мамлакатлари коррупцияда гумон қилинганлиги тўғрисида хабар берган хабар берувчиларни иш берувчилар томонидан камситилиш ва санкциялардан ҳимоя қилишга қарор қилдилар.

Ўша пайтда, кўплаб хорижий давлатларда коррупция тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик мавжуд еди - аксарият ҳолларда ушбу шахслар меҳнат тўғрисидаги маҳсус қонунлар асосида ҳимояланган, бу жамоат мақсадлари учун турли хил маълумотларни (шу жумладан, маҳфий) ошкор қилишга имкон беради. иш берувчилар иш жойидаги қонунбузарликлар тўғрисида хабар берган хабар берувчиларни ишдан бўшатишдан ва ишдан бўшатилган тақдирда ёки уларга нисбатан қўлланиладиган бошқа камситувчи жазо чоралари бўйича апелляция тартибини белгилайдилар. Шу билан бирга, бундай шахсларни ҳимоя қилиш бўйича баъзи қоидалар баъзида коррупцияга қарши қонунчиликда учрайди.

Хабар берувчиларни ҳимоя қилиш түғрисидаги қоидалар миллий қонунчиликнинг кўплаб манбаларида мавжуд бўлганлиги сабабли, уларни қуийдагича тизимлаштириш мумкин: коррупцияга қарши қонунчилик; “хуштакбозлар”ни ҳимоя қилиш түғрисидаги қонунлар; маҳсус жиноят қонунчилиги чоралари ва тармоқ қонунлари.

Коррупцияга қарши хорижий давлат қонунчилигига кўпинча хабар берувчиларни ҳимоя қилиш қоидалари коррупцияга қарши курашиш түғрисидаги қонун хужжатларида учрайди. Масалан, бундай хатти-ҳаракатлар 2001 йилги Кореяning Коррупцияга қарши кураш түғрисидаги қонуни (2005 ва 2008 йилларда ўзгартирилган)⁶² коррупция түғрисида хабар берган хабар берувчиларни ҳимоя қиласди. Таъкидлаш жоизки, ушбу Қонун Корея Республикасида 2011 йилда Коррупция ҳолатлари түғрисида хабар берувчиларни ҳимоя қилиш түғрисида алоҳида қонун қабул қилинганидан кейин ҳам амал қиласди.

АҚШнинг Фирибгарликни сертификатланган экспертизалири уюшмаси (АСФЕ) томонидан 2004 йилда ўтказилган тадқиқотлар шуни қўрсатдики, коррупция ҳолатлари түғрисида хабар бериш учун тегишли механизмларга эга бўлмаган ташкилотлар, бундай механизмларга эга бўлган ташкилотларга қараганда икки баробар коррупция билан боғлиқ йўқотишларга дуч келди, Шунингдек, фирибгарликнинг тахминан 40 фоизи дастлаб ҳуштакбозлик орқали аниқланса, ички текширувлар 24 фоизни ташкил этган бўлса, 21 фоиз тасодифий, 18 фоиз ички назорат орқали, 11% эса ички аудит орқали аниқланган.

“Хуштак чаладиган” ходимлар коррупцияни аниқлашда муҳим роль ўйнашига қарамай ва коррупциянинг олдини олиш, шу билан улар ишлаётган ташкилотларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун, улар кўпинча салбий оқибатларга дуч келишади.

⁶² Act on Anti-Corruption and the Establishment and Operation of the Anti-Corruption and Civil Rights Commission 2001.

Шифохонада 233 та хабар берганларни ўрганиш натижалариға кўра, АҚШда “ҳуштакбозлар”нинг 90 фоизи ишдан бўшатилган ёки ишдан туширилган, 27 фоизлар судга берилди, 26 фоиз психиатрия ёки жисмоний ёрдамга мурожаат қилишлари керак эди, 25 фоиз спиртли ичимликларни суиистеъмол қилганлар, 17 фоизи уйларидан айрилган, 15 фоизи ажрашган, 10 фоизи ўз жонига қасд қилишга уринган ва 8 фоизи банкрот бўлган⁶³.

Ўзбекистон Руспубликасида ҳам коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берганлик учун ҳимоя остига олиш тўғрисида Қонунлар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ти Қонунининг⁶⁴ 28-моддасига асосан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берётган шахслар давлат ҳимоясида бўлади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берётган шахсларни таъкиб этиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу модданинг қоидалари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида била туриб ёлғон ахборот берган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди, улар қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Бундан ташқари, “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ти Қонунига⁶⁵ асосан жиноят тўғрисида хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилиш чоралари белгиланган. Хусусан Қонунининг 4-моддасига кўра, ҳимоя қилинувчи шахслар қўйидагилардан иборат:

1) жабрланувчи ва унинг қонуний вакили;

⁶³ [Электрон манба].

URL:<https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/11172/408550Whistleb1PS01issue1501PUBLIC1.pdf?sequence=1&isAllowed=y>

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ти Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда).

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ти Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472-сон)

- 2) гувоҳ;
- 3) жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси;
- 4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари;
- 5) маҳкум, оқланган шахс, ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган шахс;
- 6) фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари;
- 7) эксперт, мутахассис, таржимон ва холис.

Ушбу модданинг биринчи қисмида қўрсатилган шахсларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари ҳам ҳимоя қилинувчи шахслар бўлиши мумкин.

Ҳимоя қилиш чоралари жиноят иши қўзғатилгунига қадар аризачига, жиноят шоҳидига ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга кўмаклашувчи шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Ушбу Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, Хавфсизлик чоралари қуидагилардан иборат:

- 1) ҳимоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлаш;
- 2) шахсни, уй-жойни ва бошқа мол-мулкни қўриқлаш;
- 3) ҳимоя қилинувчи шахсга маҳсус индивидуал ҳимоя воситаларини ва техник воситаларни бериш;
- 4) вақтинчалик хавфсиз жойга жойлаштириш;
- 5) бошқа яшаш жойига кўчириш, иш (хизмат) ёки ўқиш жойини ўзгартириш;
- 6) хужжатларни алмаштириш;
- 7) ҳимоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишини чеклаш;
- 8) қамоқда ёки жазони ўташ жойларида сақланаётган ҳимоя қилинувчи шахсга нисбатан қўшимча хавфсизлик чораларини таъминлаш.

Ушбу модда биринчи қисмининг 6 ва 7-бандларида назарда тутилган хавфсизлик чоралари фақат оғир ва ўта оғир жиноят ишлари бўйича зарур бўлган ҳолларда амалга оширилади.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда хабар берувчи шахслар қонун ҳимоясига олингани тўғрисида умумий норма мавжуд бўлиб, ҳимоя механизмлари ва кафолатлари белгиланмаган. Шу билан бирга, Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда фақатгина саккизта хавфсизлик соралари белгиланган.

Барчамизга маълумки, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар асосан давлат бошқарув органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, давлат ташкилотлари, давлат улуши бўлган корхоналарда ҳамда хўжалик бошқарув органларида содир этилади. Ушбу ташкилотларда содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар кўпинча шу ташкилотда ишловчи ходимларгагина маълум бўлади.

Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд 14.7 тавсиясида ҳам иштирокчи давлат томонидан коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш ва хабар берувчиларни ҳимоя қилиш қоидаларини қабул қилиши кўрсатиб ўтилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд 14.7 тавсиясида ҳам иштирокчи давлат томонидан коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш ва хабар берувчиларни ҳимоя қилиш қоидаларини қабул қилиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд мониторинги

хисоботига⁶⁶ кўра, 14.7-тавсиясида назарда тутилган қоидалар статистик йиғилган маълумотлар йўқлиги сабабли, кузатув гурухи ушбу қоидалар амалда қўлланиладими ёки йўқми деган холосага кела олмаганлиги ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши орқали 14.7-тавсия расмий бажарилган бўлса-да, белгиланган нормалар коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи шасхларни ҳимоясини етарли даражада таъминлай олмаганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу сабабли, ҳар бир давлат бошқарув органида 14.7-тавсиясида назарда тутилган қоидалар юзасидан статистик маълумотлар юритиш ҳамда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи шасхларни ҳимоясини етарли даражада таъминлаш мақсадида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддасига ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда тегишли равища қонуности хужжатлари қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, давлат бошқарув органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, давлат ташкилотлари, давлат улуши бўлган корхоналарда ҳамда хўжалик бошқарув органлари ходимлари томонидан коррупция ҳолатлари тўғрисида хуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши натижасида унга нисбатан бўлиши мумкин бўлган таъқибларни олдини олиш лозим бўлади. Бунда ходимнинг меҳнатга оид муносабатларда хуқуқий ҳимоясини таъминлаш зарурити вужудга келади. Агар ходим раҳбарнинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан хабар берган тақдирда унга нисбатан меҳнат фаолияти билан боғлик таъқиб юзага келиши мумкин.

Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда коррупция ҳолатлари тўғрисида хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берган ходимларнинг қатъий рўйҳати шакллантириб борилиши ҳамда иш берувчи томонидан ходимга

⁶⁶[Электрон манба]. URL: https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

нисбатан устама, рағбатлантиришларни камайтиришга, интизмоий жазо чорасини қўллашга ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилишга Давлат хизматларини ривожлантириш агентлигининг рухсати билан йўл қўйиш амалиётини жорий этиш таклиф этилади.

ХУЛОСА

Тадқиқот иши натижасида қуидаги илмий-назарий, амалий ташкилий ва миллий қонунчиллик базасини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий асосларга оид хулосалар

1. Фирибгарликни ҳар доим аниқлаш қийин бўлганлиги сабабли, кўплаб давлатлар тарихидан коррупция, ўғирлик ва қонунбузарликлар тўғрисида фуқароларга мурожаат қилишган. Қонун чиқарувчилар VII асрдаёқ ноқонуний схемаларни очиш ва олдини олиш учун хусусий фуқароларга мурожаат қилишди. Дастребки низомларнинг асосий принтсиби - шахсларни ўғирланган пулларнинг бир қисмини улар очища ёрдам берганлиги, худди шу каби замонавий «whistleblower» қонунида белгиланган мукофотлаш хисобланади.

Дастреб «whistleblower» тушунчаси VII аср Англиядан бошланган. Бугунги кунда одатда сохта даъволар тўғрисидаги ишларни назарда тутадиган қуи там атамаси лотин тилидаги "qui tam pro domino rege quam pro se ipso in hac parte sequitur" иборасидан қисқартирилиб, "ўзи учун ҳам, Қирол учун ҳам жиноий иш қўзғатадиган" деб таржима қилинади. Замонавий қонунчилар бу атамани ўз хукумати номидан коррупцияга ботган компанияларга қарши даъво қўзғатадиган жиноий хабарлар билан синоним сифатида қабул қилдилар.

2. Фикримизча, Ҳозирги кундаги давлат бошқаруви тарихий монархия бошқарувидан тубдан фарқ қилса-да, шу вақтларда ҳам хабар бериб бориш механизмига эътиёж туғилган. Бугунги ривожланган даврда эса ҳар бир ҳолатни (молиявий, иқтисодий, ижтимоий, саноат ва бошқа соҳаларда), шу жумладан, коррупция ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни ёзib бориш, уни таҳлил қилиш, тўғри ёки нотўғри маълумотлар туркумига ажратиш деярли имконсиз. Шу сабабли, шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг ҳуқуқий

химоясини таъминлаш эвазига коррупция ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишга зарурат мавжуд.

3. Фикримизча, Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмининг вазифаси қуидагилар ҳисобланади:

коррупция хавфи ва бу ҳақда хабар бериш тартиби (whistle blowing policy)ни тўғри ташкил этиш, яъни коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи алоқа каналларини (ишонч телефони, телеграм канали, оғзаки ёки ёзма хабар, веб-сайт ва бошқа) ишга тушуриш;

ваколатли органлар кўмагида коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берувчиларнинг ҳимоя чораларини кўриш, бунда шахсни хуқуқий, ижтимоий ва ҳаттоқи меҳнат муносабатларида ҳимоя қилиш;

қоннучиликка мувофиқ коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бермаганлик учун жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

қонунчиликка мувофиқ коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берганлик учун рағбатлантириш бориши.

4. Хуроса ўрнида, коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизмларини хорижий тажриб асосида ўрганиб чиқадиган бўлсак, ҳозирда кўпчилик учун маълум бўлган “Whistleblowing” институтига мурожаат қиласиз. Whistleblowing (тўғрисида-тўғри таржимаси “хуштакбозлик”) – бу жамоат этиборини ёки ҳокимият вакили эътиборини давлат, хусусий ёки нодавлат секторлари ичидаги нотўғри ҳатти-ҳаракатларга жалб этишdir. Whistleblower эса давлат идораси, жамоат, хусусий ёки тижорат ташкилоти ходимлари томонидан содир этилган қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатларини фош қилувчи фаол кўмаклашувчи шахс ҳисобланади.

II. Ташкилий-ҳуқуқий масалаларга оид холосалар

Ўзбекистонда Республикасида коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш тизимини жорий қилишда 2 хил ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1.1. Давлат секторидаги коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш фаолиятини мувофиқлаштириш ва фаолият самарадорлигини баҳолаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар беришга имконият яратувчи ягона портални ташкил этиш ва ишга тушириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда ушбу портал худди Президент мурожаатлари порталига ўхшашиб бўлиб, фақатгина коррупцияга оид хабарларни қабул қилишга ихтисослаштирилиши, ижрочи орган сифатида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги белгиланиши, шу мақсадда Агентликка “Коррупция ҳолатлари тўғрисидаги мурожатларни кўриб чиқилишини назорат қилиш” бошқармаси фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 20 та штат бирлиги ажратилиши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига 3 ой муддатда барча вазирлик ва идоралар билан интеграция қилинадиган ягона портал ишлаб чиқилиши назарда тутилса ушбу тизим самарали фаолият юритиши мумкин.

1.2. Хусусий секторда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш тизимини жорий этиш мақсадида йирик тадбиркорлик субъектларида Комплаенс назорат бўлимларини ташкил этиш мажбурийлигини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилиниши мақсадга мувофиқ (АҚШ, Европа давлатлари тажрибаси);

2. Юқоридаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси давлат бошқарув органлари, давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотларда коррупция ҳолатлари тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, қайта ишлаш,

рағбатлантириш ва ҳимоя остига олиш тизимини жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси Қарори лойиҳасини ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

3. ВМҚ лойиҳасида коррупция ҳолатлари тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, қайта ишлаш, рағбатлантириш ва ҳимоя остига олиш тизимини жорий этиш бўйича минимал талабларни ўзида акс эттирган “низом” лойиҳасини ишлаб чиқиш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ.

III. Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиш:

1. Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар беришда қўмаклашувчи шахсларнинг хуқуқий мақомини мустаҳкамлаш. Бунда оғир ва ўта оғир коррупцион жиноятлар тўғрисида хабар берганлиги учун уларни ҳуқуқий, ижтимоий, молиявий ва ҳаттоқи меҳнат муносабатларидаги ҳимоясини таъминлаш (*Хорижий тажриба асосида “Гувоҳларни ҳимоя қилиши дастури”ни ишлаб чиқиши лозим*).

2. Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар беришни алоҳида тартибга солиш мақсадида Жиноят-процессуал кодексига коррупция ҳолатлари тўғрисида берилган хабарларни алоҳида тартибда ва муддатларда кўриб чиқиш, мурожаат/хабарларни тегишлилиги бўйича юбориш муддатини **3 кун этиб белгилаш, ваколатли органга тегишли бўлмаган мурожаат/хабарлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказишни **таъкиқлаш**, бошқа ҳолат юзасидан олиб борилаётган терговга қадар текширув, дастлабки тергов давомида коррупция ҳолатлари (ундан оғирроқ бўлган жиноят) аниқланган тақдирда тегишлилиги бўйича ваколатли органга барча иш материалларини зудлик билан (*терговга қадар текширув ҳужжатларини 24 соат ичида, жиноят ишини 10 кун муддатдан кечиктирмасдан*) юбориш**

мажбуриятини юклаш юзасидан қўшимчалар киритиш (*янги нормаларни киритиш*).

3. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексиниг 322-моддаси 1-қисми 3-бандига асосан оммавий ахборот воситалари берган хабарлар асосида жиноят иши қўзғатилиши мумкин. Ушбу Кодексинг 327-моддасига асосан муайян жиноят тўғрисида матбуот, радио ва телевидение, хужжатли кинофильмлардаги, шунингдек оммавий ахборот воситаларига йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги хабарлар жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади. Шу ўринда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Конунга мурожаат қиладиган бўлсак, оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган, қонун хужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари **оммавий ахборот воситаси** ҳисобланади.

Мамлакатимизда рўй бераётган воқеалар ривожи шуни исботламоқдаки, баъзи ҳолларда норасмий ОАВлари, **ижтимоий тармоқлар ва мессенджер** орқали эълон қилинган коррупция ҳолатлари тўғрисида хабарлар ҳам ўрганилганда ўз тасдигини топмоқда. Хусусан “davletovuz” телеграм канали орқали манфаатлар тўқнашувига асосланган бир қанча битимлар тузилганлиги, тендер ўtkазиш шартлари қўпол равишда бузилганлиги тўғрисидаги хабарлар аниқ фактлар билан эълон қилинди.

Аммо, жиноят қонунчилигимизга асосан норасмий ОАВлари, **ижтимоий тармоқлар ва мессенджер** орқали эълон қилинган хабарлар жиноят ишини қўзғатишга асос бўла олмайди.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни инобатга олиш лозим, гарчи норасмий ОАВлари, **ижтимоий тармоқлар ва мессенджер** орқали эълон қилинган хабарлар жиноят иши қўзғатиш учун асос ҳисобланмасада,

“davletovuz” телеграм канали орқали 2020 йил 24 декабрдаги “Андижонча тендер” номи билан эълон қилинган хабаралар юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Gazeta.uz сайтига Андижон вилоятидаги давлат буюртмалари бўйича эълон қилинган материаллар юзасидан ўрганиш ишлари бошланганлигини маълум қилди. Лекин, мазкур ўрганишнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликка расмий маълумот берилмади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, кенг жамоатчиликка маълум бўлган коррупция ҳолатлари тўғрисидаги хабарлар юзасидан ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказлаётган ўрганиш, терговга қадар текширув, дастлабки тергов натижалари бўйича расмий муносабат бериб бориш тизимининг мавжуд эмаслиги қонунчиликдаги бўшлиқ ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга расмий ва **норасмий ОАВ, ижтимоий тармоқлар ва мессенджер** орқали эълон қилинган коррупция ҳолатлари тўғрисида хабарларни ўрганиш (*терговга қадар текширув, дастлабки тергов*) ва мазкур иш натижаларини жамоатчиликка эълон қилиш тизимини жорий этиш ҳамда ушбу ҳолатларда жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш (ЖПКнинг 322-моддаси 1-қисм 3-бандига, 328-330 – моддаларига, “*Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида*”ги Қонунга ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши) лозим бўлади.

Шунингдек, **норасмий ОАВ, ижтимоий тармоқлар ва мессенджер** орқали эълон қилинган коррупция ҳолатлари тўғрисида хабарларни ўрганиш жараёнлари ва яқунлари бўйича кенг жамоатчиликка расмий маълумот бериб борилишини мувофиқлаштириш ва доимий назоратини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги масъул орган этиб белгиланиши, шунуктаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги ПҚ-4151-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий

коммуникациялар агентлиги тўғрисидаги низомнинг 11-бандига қўшимча киритилиши мақсадга мувофиқ.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган Коррупцияга оид ҳукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ушбу низом “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ коррупцияга оид ҳукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартибини белгилайди. Мазкур қонуности ҳужжати коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар беришни тартибга солувчи биринчи норматив-ҳукуқий ҳужжат ҳисобланади. Шундай бўлса-да, мазкур низом фақатгина коррупция ҳолатлари тўғрисида хабарганилик учун рағбатлантиришни назарда тутади.

Низомга кўра, коррупцияга оид ҳукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар сифатида **фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг ёхуд давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси белгиланган.**

Коррупция ҳолатлари давлат бошқарув органларида, давлат иштирокидаги ташкилотларда ва хусусий сектор билан бир қаторда **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган идораларда** ҳам содир этилади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган идоралар ўз вазифа ва функцияларининг маҳсуслаштирилганлиги сабабли жамоатчилик учун **қисман ёпик** ҳисобланади. Яъни, бу тузилмалар ичida содир этилаётган айрим коррупция ҳолатлари фақатгина **тизим ичидаги ходим ва ҳарбий хизматчиларга** маълум бўлади.

Тизим ичидаги ходим ва ҳарбий хизматчилар коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берган тақдирда, унинг кейинги хизмат фаолияти боғлиқ салбий ҳолатлар юзага келиши, ҳаттоқи унга нисбатан **ишдан бўшатиш ёки ўюштирилган жиноий жавобгарлик** ҳолатлари ҳам хавф солиши мумкин.

Бу борада Босния ва Герцеговинада “whistleblower”ни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунини ижобий тажриба сифатида эътироф этиш мумкин. Конун коррупция тўғрисида хабар бериш пайтида **расмий сирларни ошкор қиласиган давлат ходимларини** ҳимоя қиласиди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган идораларда коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

Бунда:

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган идораларда коррупция ҳолатлари юзасидан хабар беришнинг янгича механизмларини жорий этиш;

тузилмалардаги коррупция ҳолатлари ўзаро занжир бўлиб, **элитар коррупцияни** вужудга келтириш эҳтимолларини хисобга олган ҳолда бир тузилмадаги коррупция ҳолатлари юзасидан **иккинчи (холис)** тузилмага хабар бериш тартибини ишлаб чиқиш (*яъни ДХХ, Мудофаа, Миллий гвардия, Мудофаа саноати давлат қўмитаси, ФВВ, ИИВ ҚҚ ходим ва ҳарбий хизматчилари Ҳарбий прокуратурага, Прокуратура ходимлари ДХХга, ИИВ ходимлари Прокуратурага*);

тизим ичидаги ходим ва ҳарбий хизматчиларнинг **ҳуқуқий ҳимоясини** таъминлаш (*лавозимини ошириши, ротация қилиши ва ўз тузилмасида бундан буён ишилашига тўскенилик қилувчи ҳолатлар вужудга келган тақдирда бир тузилмадан иккинчи тузилмага ротация қилиши*);

тизим ичидаги ходим ва ҳарбий хизматчилар **оила аъзоларининг ҳуқуқий ҳимоясини** таъминлаш;

тизим ичидаги ходим ва ҳарбий хизматчиларни коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берганлиги учун **хизмат бўйича ва моддий рағбатлантириш**;

коррупция ҳолатлари тўғрисида хабарларни ўрганувчи мансабдор шахс томонидан мазкур хабар тафсилотларини ўрганиш давомида хабар берувчининг розилигисиз **шахсни ошкор этмаслиги**, ҳолатлар ўз тасдигини топмаган тақдирда (тухмат ва ёлғон кўрсатма бериш бундан мустасно) хабар берувчининг **шахси сир сақланиши** назарда тутилиши мақсадга мувофиқ.

5. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд 14.7 тавсиясида ҳам иштирокчи давлат томонидан коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш ва хабар берувчиларни ҳимоя қилиш қоидаларини қабул қилиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд мониторинги хисоботига кўра, 14.7-тавсиясида назарда тутилган қоидалар статистик йиғилган маълумотлар йўқлиги сабабли, кузатув гурухи ушбу қоидалар амалда қўлланиладими ёки йўқми деган хulosага кела олмаганлиги ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши орқали 14.7-тавсия расмий бажарилган бўлса-да, белгиланган нормалар коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи шасхларни ҳимоясини етарли даражада таъминлай олмаганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу сабабли, ҳар бир давлат бошқарув органида 14.7-тавсиясида назарда тутилган қоидалар юзасидан статистик маълумотлар юритиш ҳамда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи шасхларни ҳимоясини етарли даражада таъминлаш мақсадида ҳимоя механизmlарини назарда тутувчи норматив-хукуқий хужжат қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

6. Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ташкилотлари, давлат улуши бўлган корхоналар ҳамда хўжалик бошқарув органлари ходимлари томонидан коррупция ҳолатлари тўғрисида

хукуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши натижасида унга нисбатан бўлиши мумкин бўлган меҳнат муносабатларига оид таъқибларни олдини олиш лозим бўлади. Бунда ходимнинг меҳнатга оид муносабатларда хукуқий ҳимоясини таъминлаш зарурияти вужудга келади. Агар ходим раҳбарнинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан хабар берган тақдирда унга нисбатан меҳнат фаолияти билан боғлиқ таъқиб юзага келиши мумкин. Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда коррупция ҳолатлари тўғрисида хукуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берган ходимларнинг қатъий рўйҳати шакллантириб борилиши ҳамда иш берувчи томонидан ходимга нисбатан устама, рағбатлантиришларни камайтиришга, интизмоий жазо чорасини қўллашга ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилишга Давлат хизматларини ривожлантириш агентлигининг рухсати билан йўл қўйиш амалиётини жорий этиш таклиф этилади.

7. “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига асосан маҳсус ваколатли органлар билан бир қаторда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун хужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши белгиланган. Коррупцияга қарши курашишда унинг оқибатлари билан курашгандан кўра, превентив (олдини оловчи) чораларни қўриш самарали ва афзалроқ ҳисобланади. Коррупцияни аҳамияти жиҳатидан шартли равишда иккига бўладиган бўлсак, майда (маиший) ва йирик (элитар) коррупция турлари мавжуд.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, майда (маиший) коррупция жамиятнинг турмуш шароитига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмаса-да, кайфиятига жудда катта салбий таъсир кўрсатади. Йирик (элитар) коррупция жамиятнинг турмуш шароитига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатса-да, кайфиятига таъсир кўрсатмайди. Шу сабабли, энг аввало, майда (маиший) коррупцияга қарши курашишни ҳам устувор вазифа деб ҳисоблаш лозим. Майда (маиший) коррупция одатда таълим, соғлиқни сақлаш, пенсия таъминоти, коммунал хизматлар кўрсатиш, солик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа шу каби соҳаларда кўплаб учрайди. Айнан майда (маиший) коррупцияга

қарши курашда превентив (олдини олувчи) чораларни кўриш мақсадида коррупция ҳолатлари тўғрисида тезкор хабар бериш ҳамда ушбу хабарларни тезкор қайта ишлаш тизимини жорий этиш лозим. Бунинг учун ҳар бир соҳа учун масъул бўлган давлат бошқарув органларида ягона ва тизимлашган коррупция ҳолатлари тўғрисида ахборот бериш учун алоқа каналлари ҳамда раҳбар ва ходимларнинг билдиргилари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш тўғрисидаги тартиб ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Бундай тартибни ишлаб чиқишини, алоқа каналларига қўйиладиган ягона талабларни, коррупцияга қарши курашишини амалга оширувчи хизматларни ташкил этишга штатлар ажратилишини, моддий-техник таъминотини белгиловчи Вазирлар Маҳкамаси қарорини қабул қилиниши юқоридаги таклифнинг амалий ифодаси бўлиб хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил.: “Халқ сўзи”. [Электрон манба]. URL: <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkatmirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил.: “Халқ сўзи”. [Электрон манба]. URL:<http://xs.uz/uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkatmirziyoevningolij-mazhlisga-murozhaatnomasi>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевнинг “Коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимлари такомиллаштирилади” номли мавзуда ўтказилган йифилиш // 11.02.2020 йил. [Электрон манба]. [URL:https://uza.uz/oz/politics/korruptsiyaga-arshikurashishamda-zhamoatchilik-nazorati-ti-11-02-2020](https://uza.uz/oz/politics/korruptsiyaga-arshikurashishamda-zhamoatchilik-nazorati-ti-11-02-2020).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат – бозор иқтисодиётига қатъий ўтиш жараёнида принципиал масала” номли мавзуда ўтказилган йифилиш // 28.05.2020 йил. [Электрон манба]. [URL:https://uza.uz/oz/politics/ra-obat-bozor-i-tisodiyetiga-atiy-tish-28-05-2020](https://uza.uz/oz/politics/ra-obat-bozor-i-tisodiyetiga-atiy-tish-28-05-2020).

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йифилиши//30.06.2020. [Электрон манба]. URL:<https://uza.uz/oz/politics/odil1-sudlovnii-taminlash-va-korruptsiyaga-arshika30-06-2020>.

II. Халқаро-хуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 07.07.2008 йилдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясиға (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида” ги Конуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/1369505>.
2. Convention on Combating Bribery of Foreign Public Officials in International Business Transactions and related documents. [Электрон манба]. URL: www.oecd.org/daf/anti-bribery/ConvCombatBribery_ENG.pdf.
3. Commentaries on the Convention on Combating Bribery of Foreign Public Officials In International Business Transactions. [Электрон манба]. URL: www.oecd.org/daf/anti-bribery/_ENG.pdf.
4. “ISO 37001 - Anti-bribery management systems”// [Электрон манба]. URL: <https://www.iso.org/ru/standard/62342.html>.
5. Recommendation of the Council for Further Combating Bribery of Foreign Public Officials in International Business Transactions. [Электрон манба]. URL: www.oecd.org/daf/anti-bribery/44176910.pdf.
6. OECD (2016) Committing to Effective Whistleblower Protection [Электрон манба]. URL: <https://www.oecd.org/corruption/anti-bribery/Committing-to-Effective-Whistleblower-Protection-Highlights.pdf>.
7. Act on Anti-Corruption and the Establishment and Operation of the Anti-Corruption and Civil Rights Commission 2001.

III. Норматив хуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.03.2021 й., 03/21/679/0256-сон)
2. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,

16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда)

3. “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472-сон)

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда, 27-сон, 608-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон, 09.11.2019 й., 06/19/5870/4010-сон, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон)

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2019 й., 06/19/5729/3199-сон, 20.07.2019 й., 06/19/5769/3450-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон)

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 29 июндаги ПҚ-4761-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 07/20/4761/1001-сон)

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 06/20/6013/1002-сон)

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш

самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сон Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.12.2020 й., 06/20/6127/1609-сон)

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг “2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” 2018 йил 30 ноябрдаги 2181-Ш-сон қарори [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/5191159>

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хуқуқ масалалари қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 4 марта 2412-Ш-сон қарори [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/5162110>

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги 2782-Ш-сон Қўшма қарори [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/5169562>

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид хуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 09/20/829/1693-сон)

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 8 январдаги 15-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.01.2018 й.)

14. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги 2-мх-сон “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 3287, 2021 йил 24 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.02.2021 й., 10/21/3287/0153-сон)

IV. Монография, илмий мақола ва тўпламлар :

1. Allen B. Roberts “Demystifying Sarbanes-Oxley: Suggestions for Public and Private Company Preparedness and Compliance with Employment and Whistleblower Provisions” July 2, 2013
2. Helga Spadina & Marina Kalafatic, Legal Position and Protection of Whistleblowers in Croatian Law;. T. Tyler “Compliance with the Law in Slovenia: The Role of Procedural Justice and Police Legitimacy” June 2014
3. Primakov D. Compliance practices: anti-corruption, banking compliance, sanction compliance and asset tracing – M.: Infotropic media, 2019 – P.36. [Электрон манба]. URL: <https://shop.infotropic.ru>.
4. J. Randy Beck, The False Claims Act and the English Eradication of Qui Tam Legislation, 78 North Carolina Law Review 539 (March 2000).
5. John L. Smith, Jr. December 19, 2013. Benjamin Franklin: America’s First Whistleblower. Journal of the American Revolution.
6. Larry D. Lahman, “Bad Mules: A Primer on the Federal False Claims Act”, 76 Okla. B. J. 901, 901 (2005)
7. Larry D. Lahman, “Bad Mules: A Primer on the Federal False Claims Act”, 76 Okla. B. J. 901, 901 (2005)
8. См.: Уголовное законодательство. Введение // Российское законодательство X - XX вв. В 9 т. Т. 4. Законодательство периода становления абсолютизма. М.: Юридическая литература, 1986. С. 314 - 315.

V. Фойдаланилган бошқа адабиётлар :

1. Бахшилло Хўжаев, Ҳуқуқий сиёsat тадқиқот институти директор ўринбосари в.б. Kun UZ 2019 йил 22 январь.
2. Даракчи газетаси 41(101)11.10.2018 – сони 11бет.
3. Qur’oni karim ma’nolari tarjimasi. Tarjimon: Abdulaziz Mansur.

VI. Интернет манбалари:

1. <https://anticorruption.uz/uzc/item/what-is-corruption>
2. Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори Н.Т.Йўлдошевнинг нутқидан (Бош прокуратура телеграм ижтимоий тармоқдаги расмий сайтидаги манба)/[Электрон манба]. URL: <https://t.me/usbprokuratura>.
3. <https://www.transparency.org/en/countries/uzbekistan>
4. <https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/04/20/2020-yilda-sodir-etilgan-korrupsiyaviy-jinoyatlar-statistikasi>
5. https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf
6. [Электрон манба]. URL: <http://temurtuzuklari.uz/uz#>
7. <https://www.whistleblowersinternational.com/what-is-whistleblowing/history/>
8. <http://hudud24.uz/korruptsiya-ҳақида-habar-berganlar-rafbatlantiriladimi/>
9. <http://muslim.uz/index.php/maqolalar/item/2031> (Хабибуллоҳ Абдураззоқов, "Ҳазрати Имом" жоме масжиди имом ноиби)
10. <https://islom.uz/maqola/10453> (муаллиф–Имом Ҳофиз Шамсиддин Заҳабий, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2016 йилдаги 3831-сонли хулосаси асосида нашр қилинган)
11. <https://www.legislationline.org/searchn2/runSearch/1/key/whistleblower/rows/10>

12. <https://www.coe.int/en/web/corruption/completed-projects/enpi/newsroom-enpi/-publisher/F0LygN4lv4rX/content/whistleblowers-in-serbia-a-model-aw?inheritRedirect=false>
13. <https://zakonbase.ru/zakony/o-policii/>
14. https://www.abl.com/the-bank/corporate-whistle-blowing-policy/?doing_wp_cron=1624458252.8149020671844482421875

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига киритилаётган қўшимчалар бўйича
ТАҚҶОСЛАШ ЖАДВАЛИ

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
<p>322-модда. Жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асослари</p> <p>Жиноят ишини қўзғатиш учун:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) шахсларнинг аризалари; 2) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар; 3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар; <p>Тўлдирилмоқда</p>	<p>322-модда. Жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асослари</p> <p>Жиноят ишини қўзғатиш учун:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) шахсларнинг аризалари; 2) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар; 3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар; 4) нормасмий оммавий ахборот воситалари, мессенджер ва бошқа ижтимоий тармоқларлар орқали тарқатилган хабарлар 5) аноним мурожаатлар (коррупцияга оид жиноятлари тўғрисида) 	<p>Мамлакатимизда рўй берадиган воқеалар ривожи шуни исботламоқдаки, баъзи ҳолларда норасмий ОАВлари, ижтимоий тармоқлар ва мессенджер орқали эълон қилинган коррупция ҳолатлари тўғрисида хабарлар ҳам ўрганилганда ўз тасдигини топмоқда. Жиззах ва Андижон вилоятларида қурилишга оид ўтказилган тендер натижаларида манфаатлари тўқнашуви ҳамда коррупция аломатлари мавжудлиги иэтимоий тармоқлар орқали тарқатилган хабарлар орқали аниқланди.</p> <p>Бундан ташқари коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи шахсларнинг хукуқларини ҳимоялаш</p>

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
<p>4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бевосита ўзи аниқлаши;</p> <p>5) айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади.</p> <p>Жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлади.</p>	<p>6) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бевосита ўзи аниқлаши;</p> <p>7) айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади.</p> <p>Жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлади.</p>	<p>хамда коррупция ҳолатларини фош этишдаги ролини ошириш мақсадида аноним мурожаатлар асосида хам жиноят ишини қўзғатиш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ.</p>
<p>323-модда. Жиноят ишини аноним хабарларга асосан қўзғатишга йўл қўйилмаслиги</p> <p>Жиноят ҳақидаги имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилган хат, ариза ёки бошқа аноним хабарлар жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўла олмайди.</p>	<p>323-модда. Жиноят ишини аноним хабарларга асосан қўзғатишга йўл қўйилмаслиги</p> <p>Жиноят ҳақидаги имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилган хат, ариза ёки бошқа аноним хабарлар жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўла олмайди.</p>	

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
Тўлдирилмоқда	<p>Мазкур модданинг биринчи қисмидаги қоидалар коррупция жиноятларига оид хабарларга нисбатан татбиқ этилмайди.</p>	
Тўлдирилмоқда	<p>327¹-модда. Нормасмий оммавий ахборот воситалари, мессенджер ва бошқа ижтимоий тармоқларлар орқали тарқатилган хабарлар</p> <p>Муайян жиноят тўғрисида нормасмий оммавий ахборот воситалари, мессенджер ва бошқа ижтимоий тармоқларлар орқали тарқатилган хабарлар, жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади.</p> <p>Жиноят тўғрисидаги хабарни эълон қилган ёки тегишли жойларга юборган норасмий оммавий ахборот воситалари, мессенджер ва ижтимоий тармоқ админлари, шунингдек бу хабар муаллифлари ўз ихтиёрларида бўлган хужжатларни ва хабарни тасдиқловчи бошқа</p>	<p>Мамлакатимизда рўй берадиган воқеалар ривожи шуни исботламоқдаки, баъзи ҳолларда норасмий ОАВлари, ижтимоий тармоқлар ва мессенджер орқали эълон қилинган коррупция ҳолатлари тўғрисида хабарлар ҳам ўрганилганда ўз тасдифини топмоқда. Хусусан “davletovuz” телеграм канали орқали манфаатлар тўқнашувига асосланган бир қанча битимлар тузилганлиги, тендер ўтказиш шартлари қўпол равишда бузилганлиги тўғрисидаги хабарлар аниқ фактлар билан эълон қилинди.</p> <p>Аммо, жиноят қонунчилигимизга асосан норасмий ОАВлари, ижтимоий тармоқлар ва мессенджер орқали эълон</p>

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
	материалларни ихтиёрий равишда (аноним тарзда) тақдим қилишлари мүмкин.	қилинган хабарлар жиноят ишини қўзгатишга асос бўла олмайди. Хабар берувчилар фаоллигини ошириш ҳамда эҳтимоли бўлган таҳдидлардан ҳимоялаш мақсадида хужжатларни ва хабарни тасдиқловчи бошқа материалларни аноним тарзда тақдим этиш хуқуқи берилмоқда.

